



Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ХАЖИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН
ЧИҚА БОШЛАГАН

№ 144 (8884).

1986 йил 25 июль, жума

Баҳоси 3 тийин



МАШИНА ТЕРИМИГА- ЖИДДИЙ ЭЪТИБОР

ПАХТАНИ МАШИНАДА ТЕРИБ ОЛИШ ДАРАЖАСИНИ КЎТАРАЙЛИК

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети яқинда пахта теримини юксак даражада механизациялаштириш таъминлаш юзасидан ишларни тубдан яхшилаш, ҳамма мавжуд пахта териш машиналари ва терим техникасидан тўла фойдаланиш, бу йил машинада териладиган пахта миқдорини республика бўйича кам деганда 3,5 миллион тоннага етказиш ҳақида қарор қабул қилди.

Машина теримининг катта аҳамияти ҳақида гапириб ўтиришга ҳолат йўқ. Машина теримининг самараси кўпчилик қолхоз ва совхозлар, районлар ва республиканинг бутун-бутун областлари миқёсда исботланган.

1985 йилда республика бўйича пахтани механизациялар ёрдамида териб олиш 37 процентни ташкил этган бўлса, Тошкент областида машиналар билан ҳосилнинг 64 проценти, Сирдарё областида 67 проценти, Жиззах областида 60 проценти, Сурхондарё областида 40 проценти териб олинди. Кўпчилик районлар ҳосили механизация ёрдамида териб олинган 70—80 процентга ва бундан ҳам кўпроққа етказилди.

Ўтган йили Галаба районидagi «Ўзбекистон ССР беш йилги» совхозига ҳосилнинг 94 проценти, Задарёдаги «Гулбоб» совхозига 85 проценти, Оқдўғрон районидagi Сегизбобов номи совхозда 80 проценти, Комсомол районидagi «Коммунизм» колхозига 78 проценти, Оқолтин районидagi «Фаргона» совхозига 78 проценти, Оқдўғрон районидagi «Оқдўғрон» совхозига 76 проценти, Бобўут районидagi «Бобўут» совхозига 73 проценти, Ўрта Чирчиқ районидagi Охунбобов номи колхозда 71 проценти, Кўрғонтепа районидagi «Савай» совхозига 63 проценти териб олинди. Ҳамма ҳужалиқларимиз машина теримидан катта наф қўрилар. Масалан, «Савай» совхозининг йил-йили терим даврида 410 минг киши кунини тежаб қолди, бу агар ҳужалиқда терим даврида машина ишлатилмаганида кўшимча таразда ҳар кун 5 мингдан кўпроқ кишини теримга жалб этиш билан баробардир. «Бобўут» совхозига эса, машина терими қўлланганидан тақдирда, ҳар кун 4200 кишини, Сегизбобов номи совхоз 1711, «Коммунизм» колхозига эса 800 кишини жалб этиши лозим бўлур эди.

Шу билан бир қаторда машина терими тўғрисида «Коммунизм» колхозига бевосита пул ҳаражатирилган 400 минг сўм, «Бобўут» совхозига 750 минг сўм, Охунбобов номи колхозда 220 минг сўм, «Оқдўғрон» совхозига 512 минг сўм, «Савай» совхозига 986 минг сўм, «Гулбоб» совхозига 805 минг сўм тежаб қолди. Бунинг ҳам аҳамияти каттадир.

Далалар яхши тайёрланган ва машиналардан тўғри фойдаланилган тақдирда машинада терилган пахтанинг сифати юқори бўлади. Ҳамма ҳужалиқларимизда машина терими пахтасининг асортиментини ўрта ҳисобда қўл терими пахтасидан яхши бўлди. «Коммунизм» колхозига машинада терилган пахтанинг 84,8 проценти, «Фаргона» совхозига 70,1 проценти, «Бобўут» совхозига 84,3 проценти, «Ўзбекистон ССР беш йилги» совхозига 82,9 проценти, «Савай» совхозига 71,6 проценти, «Гулбоб» совхозига 85 проценти биринчи сортларга топширилди. Шу тўғрисида сўрашганида фарқ ҳисобига машина терими пахтаси учун олинган қўшимча маблаг «Коммунизм» колхозига 411 минг сўми, «Бобўут» совхозига 2.653 минг сўми, «Ўзбекистон ССР беш йилги» совхозига 887 минг сўми, Охунбобов номи колхозда 145 минг сўми, «Гулбоб» совхозига 983 минг сўми ташкил этди.

Машинада терилган пахтанинг бир тоннаси тўла таннархи 35—45 сўм атрофида ёки қўлда терилган бир тонна пахта таннаридан 30—40 процент арзон бўлди.

Келтирилган маълумотлар пахта териш машиналарининг кенг қўламда қўлланилишидан олинган фойда машиналарнинг нархи нисбатда қўл теримига қарамай, терим техникасини сотиб олиш, уни ремонт қилиш ва ишга шайлашга кетадиган ҳаражатлар батамом қопланишини ишончли таразда кўрсатиб турибди.

Пахта теримини механизациялаш даражасини кескин пасайтириб юборган ҳужалиқларнинг кўпгина раҳбарлари бунинг тайёриш пунктлари машина теримининг пахтасини қўл терими пахтаси сортлари билан баб-баравар қабул қилишга ўтилган янги давлат стандартининг жорий этилиши билан боғламоқдалар. Дастлабки пайтларда, ҳақиқатан ҳам машина терими пахтаси биринчи тонналардан бошлаб кўпчилик сортга қабул қилина бошларди, унинг тайёрлов баҳоси пасаярди. Аммо бу масалага давлат нуқтан назаридан қараб, бу адолатли эканлигини таъминлаш керак. Давлат фақат пахтанинг сифатига қараб ҳақ тўлаши мумкин.

Давлат эски стандарт бўйича машинада терилган ҳамма пахтага унинг сифатидан

қатъи назар биринчи сорт баҳоси билан ҳақ тўланганида, кўпчилик ношуд раҳбарлар машина терими пахтасига ерга тўкилган ва бошқа сифатсиз пахтани ҳам қўшиб юбараверар эдилар, бу давлатга катта зиён келтирди. Ўшанда тайёрланган пахтанинг сифати кескин тушиб кетди, айрим жойларда тола чиқинчи 27—28 процент бўлиб қолди. Шу билан ҳам давлат янги давлат стандартини жорий этиб, тўғри иш қилди. Фақат шу йўл билангина пахтанинг сифатини кўтариш мумкин эди. Эндilikда, давлат пахтакорлар билан пировард тола маҳсулотини учун ҳисоб-ки-тоб қилаётган экан, ҳам ашёнинг сифатини оширишдан, тола чиқинчининг кўпайишидан бизнинг ўзимиз ниҳоятда манфаатдордиримиз.

Машина терими пахтасининг қўл терими пахтаси билан бир қаторда тўрт сорт бўйича давлатга топширилиши юзасидан сўнгги уч йил мобайнида ортирилган тажриба янги давлат стандарти таъсирида машина терими пахтасининг сифати йил сайин яхшиланиб бораётганлиги аниқ келди. Агар янги давлат стандарт жорий этилганига қадар 1981—1982 йилларда машина терими пахтасига биринчи сортлар республика бўйича ўртача 37 проценти, шу жумладан биринчи сорт фақат 20 проценти ташкил этган бўлса, янги давлат стандарт жорий этилгандан кейин машина терими пахтасига биринчи сортларнинг салмоғи 1984 йилда 76 процентга кўтарилди, шу жумладан, биринчи сортнинг салмоғи 45 проценти ташкил этди. 1985 йилда эса биринчи сортлар салмоғи 80 процентга кўтарилди, шу жумладан, биринчи сорт салмоғи 46,4 процент бўлди. Бу — машина терими пахтасининг сифатини кўтариш вазифасини тўғри ҳал этишнинг ишончли мисолидир. Ўшанда теримини механизациялаш даражаси қанчалик кўтарилса, пахта асортименти ҳам тобора яхшиланиб бораверди. Машина терими пахтасига ҳақ тўлаш масаласига келсак, биринчи сорт ҳам ашё салмоғи 40 процентдан ошгани муносабати билан амалдаги тартибга кўра биринчи сортдаги ҳар бир тонна пахта учун нархига кўшимча таразда 100 сўмдан тўланади. Пировардига машинада терилган бир тонна пахта учун олингандаги ўртача ҳақ қўлда терилган бир тонна пахта учун олингандаги ҳақдан юқори бўлади.

1985 йилда республикада машинада терилган 1 миллион 986 минг тонна пахтадан қўл терими пахтаси билан солиштирилганда саноат сортлари бўйича қўйилгича қабул қилиб олинди:

Машинада терилган пахта	Қўлда терилган пахта
Биринчи саноат сорт	46,4 процент
Иккинчи саноат сорт	33,4 процент
Учинчи саноат сорт	12,1 процент
Тўртинчи саноат сорт	8,1 процент
Ҳами биринчи сортлар	79,8 процент

Тошкент области бўйича ўрта ҳисобда машина терими пахтасидан биринчи сортларга 84 процент, қўл терими пахтасидан 64 процент топширилди.

1985 йилнинг сентябрь—декабрь ойларида қўл терими пахтасидан ўртача тола чиқинчи 32,5 проценти, машина терими пахтасидан ўртача тола чиқинчи 32,2 проценти ташкил этди. Фарқ бор-йўли 0,3 проценти ташкил этди, бунинг устига бир қанча заводларда қўл ва машина терими пахтасидан акратиб олинган тола бир хил миқдорда бўлди, машина терими пахтасидан эса қўл терими пахтасига нисбатан биринчи сорт тола ҳатто кўпроқ олинди. Масалан, Пискент пахта тозалаш заводида шундай бўлди.

Лекин шунинг рўй-рост айтиш керакки, машина теримига юксак самарга эришмоқ учун ҳужалиқдаги ҳар бир терим машинаси билан мавсумда кам деганда 80—90 тонна пахта териб олиш керак. Бу кўрсаткич «Коммунизм» колхозига 85 тонна, «Фаргона» совхозига 92 тонна, «Бобўут» совхозига 93, Ўзбекистон ССР беш йилги номи совхозда 113, Охун-

бобоев номи колхозда 120, Сегизбобов номи совхозда 109, «Оқдўғрон» совхозига 110, «Савай» совхозига 82, «Гулбоб» совхозига 132 тоннани ташкил этди.

Мавсумда ана шундай унумдорликка эришмоқ учун машиналарни ҳозирда қоқайтериб қўйиб, уларнинг ҳаммаси сифатли ремонт қилиниши ва сентябрь ойига қадар тўлатўкс тахт қилиб қўйилиши зарур. Дала-ларини теримга яхшилаб тайёрлаш — иккинчи асосий шартдир. Пайкаллар барвақт бегона ўтлардан батамом тозаланиши керак. Механизациялаштирилган чеканкани, дефолиацияни ўз вақтида ўтказиш, гўза бағрлари батамом тўкилишига эришиш лозим. Дефолиацияни тавсия этилаётган муддатларда, ердан туриб ўтказган маъқулдир. Механик-ҳайдовчиларни ўз вақтида тайёрлаш, ҳар бир машина-ни уларга бириктириб қўйиш керак.

Терим сифати ўтказилиши учун ҳосилни тўла-тўксин йиғиштириб олинганлиги ва пахта ерга иложи борица тўкилмалиги учун ҳайдовчиларга рабатлангирувчи ҳақ тўлаши белгилан мақсадга мувофиқдир.

Ҳар беш кунда рабатлангирувчи ҳақ тўлаш лозим. Ана шунда унинг таъсири катта бўлади. Машиналарнинг ишини группа методи билан уюштириш, ҳар бир группага тўрт—беш машинани жамлаб, уларга техника хизмати кўрсатиши марказлаштириш керак. Ҳар бир пахта териш машинасига иккитадан тележақ ажратиб, транспорт отрядларининг ишини аниқ-пухта ташкил этиш даркор. Бундай отрядларнинг аъзоларини пахтани тушириш ҳоқида маънавийларин бевор туриб қол-лиш вақтини камайтириш учун рабатлангир-тириш керак.

Шу билан бир қаторда машинасозларга ва пахта териш техникасини яратувчиларга бизнинг жиддий эътирозларимиз ва истакларимиз бор. Машинасозлар коллективи эндиликда тайёрланаётган пахта териш машиналарининг сифатига кўпроқ эътибор бериш керак.

Механизаторлар, аввало терим аппарати-нинг асосий иш органи бўлган шпиндлин тайёрлаш сифатини яхшилаш, ХНП-1,8 машинаси пневмооборотчикларининг узуксиз ишлатилиши таъминлашнинг илтимос қилиларди. Двигатель қўли кетмаслиги, эрта ишдан чиқмаслиги учун унинг ичига чанг ва хас-чўплар кириб қолмаган ҳимоя қилиниши керак.

«Ташселмаш» заводи кейинги йилларда аслида икки марнадга—90 сантиметри қатор оралари учун икки қаторли ХНП-1,8 ва 60 сантиметрли қатор оралари учун тўрт қаторли 14ХВ-2,4 пахта териш машиналарининг ишлаб чиқаришда. Аммо ҳозир урулгил пахта-ни териб олиш учун махсус пахта териш машиналари ишлаб чиқаришга ҳали ҳам зарур бор.

Биз олим ва конструкторлардан сифати ва иқтисодий кўрсаткичлари яхшироқ бўлган, айниқса ҳосилни тўла-тўксин териб олиш, унинг ерга тўкилишига иложи борица йўл қўймай-диган янги, янада серунум пахта териш машиналарини кўтормоқдамиз. Ерга тўкилган пахтани териб оладиган машиналар яратилиши, гўзапояни йиғиштириб оладиган ва тайёрлай-диган, янада мукаммал курак териш машина-лари ва агрегатларини ишлаб чиқаришини жа-даллаштириш керак.

Терим техникасининг ана шундай комплек-си ҳозир пахтачиллик ҳужалиқларига зарур-дир. Янги терим техникасини ишлаб чиқариш-ни жадаллаштириш ҳамда қолхоз ва совхоз-ларини барча хилдаги терим машиналари ком-плекслари билан тевроқ тўла таъминлашнинг республика Давлат агроасаноат комитети ало-ҳида назорат остига олади, деб ўйлаймиз.

Биз республика ҳужалиқлари барча раҳ-барларини беш йилликнинг дастлабки йилида пахта теримини механизациялашда туб бури-лишга эришиш учун машина теримига қизгин тайёргарликни аж олдиришга чақирамиз. Мавжуд техника Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети зиммасига ююлган ва-зифани муваффақиятли бажаришга имкон бе-ради.

Д. ҲАКИМОВ — «Бобўут» совхозининг ди-ректору.

С. СИДДИҚОВ — «Оқ олтин» ишлаб чиқа-риш бирлашмасининг беш директори.

А. АҲМЕДОВ — «Савай» совхозининг ди-ректору.

Ж. КУЧИЕВ — «Коммунизм» колхозининг раис.

Р. КАРИМОВ — «Ўзбекистон ССР беш йил-лиги» совхозининг директори.

М. РЎЗАМТОВ — Охунбобоев номи кол-хозининг раис.

Н. БЕРДИҚУЛОВ — Сегизбобов номи сов-хозининг директори.

Р. УСМОНОВ — «Оқдўғрон» совхозининг директори.

Л. МУҲАММАДЖОНОВ — «Гулбоб» совхо-зининг директори.

МУКОФОТЛАР ТОПШИРИЛДИ

24 июль кунини Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети наприштирилган бир группа ишлаб чиқариш ил-горларига давлат мукофот-лари топширилди. Улар ўн биринчи беш йиллик топши-риқларини ва социалистик мажбуриятларини бажариш-да эришган муваффақият-лари учун ана шу мукофот-ларга сазовор бўлишган эди.

Нашриёт басмохонаси-нинг харф терувчиси В. А. Костюкова Ватанининг олий мукофоти — Ленин ордени берилди.

СССР ордени ва медалла-рини Ўзбекистон Компар-тияси Марказий Комитети-нинг секретари Р. Ҳ. Аб-дуллаева топширди. (ЎзТАГ).

ЖАНГОВАР ТАЙЁРГАРЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАЙЛИК

Қизил Байроқ орденили Туркистон ҳарбий округи-нинг 23 июль кунини Тош-кентда бўлиб ўтган пар-тия активини йиғилишида қў-шнларнинг жанговар ва си-сий тайёргарлик дара-жасини янада ошириш-га, жанговар шайлини му-стаҳкамлашга оид ишларни таъминлаштириш масала-ри муҳокама қилинди.

Қизил Байроқ орденили Туркистон ҳарбий округи қўшнларининг кўмондони генерал-полковник Н. И. Попов «КПСС Марказий Комитетининг 1986 йил июль Пленуми якунилари ва унинг қарорларини бажариш юзасидан коман-дирлар, сиёсий орган-лар, партия ташкилотла-рини вазибалари мавзуда доклад қилди.

Партия активини йиғилиши-нида Ўзбекистон Компар-тияси Марказий Комитети-нинг биринчи секретари И. Б. Усмонхўжаев иштирок этди.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ БЮРОСИДА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюроси-нинг 23 июлда бўлиб ўтган навбатдаги мажлисида Ўзе-кистон ССРни иқтисодий ва социал ривожлантириш дав-лат плани ҳамда республика давлат бюджетининг 1986 йил биринчи ярмида бажари-лиши якунилари муҳокама қилинди. КПСС XXVII съез-ди қарорларини рўйбига чиқа-риш борасида омманинг ташаббускорлиги ва ижодий активлиги ўсганлиги натижа-сида саноат ишлаб чиқари-ши ҳамда йиллик пландаги 4,8 процент ўрнига 7,6 про-цент ошганлиги, қўшимча 269 миллион сўмлик махсу-лот реализация қилинганлиги қайд этиб ўтилди. Саноат маҳсулотининг кўпгина энг муҳим турларини ишлаб чи-қариш плани ошириб бажари-рилди. Қишлоқ ҳужалиқчи-рининг баъзи кўрсаткичлари яхшиланди. Моддий ишлаб чиқаришни ривожлантириш суръатлари оширилганлиги аҳоли турмуш даражасини янада яхшилаш таъминлаш имконини берди. Бюджет-нинг даромад қисми 102,9 процент бажарилди.

Шу билан бирга Марка-зий Комитет бюроси қайта қўришда сусткашлик қилаёт-ган, кўпгина участкаларда жадаллаштириш таъминла-маётган министрликлар, идо-ралар, бирлашмалар ва кор-хоналарнинг фаолиятини кес-кин танқид қилди. Лоқай-лик ва хотиржамликка йўл қўйиб бўлмаслиги таъкид-ланди. Бир қанча тармоқлар-да ўсиш суръатлари, меҳнат унумдорлиги иккинчи квар-талда пасайтириб юборилди, ишлаб чиқаришдаги маром-нинг бузилишига ва штурми-чиликка барҳам берилмаган. Бир қанча корхоналарнинг шартнома мажбуриятларини, фан-техника тараққиётини ютуқларини жорий этиш ва ишлаб чиқарилаётган махсу-лот сифатини ошириш пла-ларини мунтазам суръатда бажармай келишларидан иборат яроқсиз практика қорала-нди.

Ишлаб чиқариш иқтисоми бўшаштириб юборилганлиги сабабли капитал маблагини ўзлаштириш ва асосий фонд-ларини ишга тушириш пла-ларини барбод этилди. «Глав-ташкентстрой» ва бошқа пудрат ташкилотлари 11746 ўқувчиға мўлжалланган мак-табларни, 4100 ўқувчи ҳу-нар-техника билим юрталари-ни, бир қанча соғлиқни сақ-лаш муассасалари ва бола-лар боғчаларини фойдала-нишга топширмадилар.

Агроасаноат комплекси тар-моқларида резервлардан сўст фойдаланилмоқда. Чор-вачиликка партиянинг раҳбар-лиги бўшаштирилганлиги, жойларда шу тармоққа етар-лича баҳо берилмаётганлиги сабабли ҳужалиқларнинг раҳбарлари сўт тайёрлаш пла-нининг бажарилишини таъминламадилар, ем-хашак тайёрлаш ишлари қонирча-сиз олиб борилмади. Кўп-гина ҳужалиқларда пахта да-лаларидаги ишлар сусайти-риб юборилган. Пахтани ме-ханизмлар ёрдамида териб

олишга ҳозирлик қўрилма-пти.

Марказий Комитет бюроси-нинг мажлисида ўн иккин-чи беш йиллик топшириқла-рини муваффақиятли равиш-да амалга оширишнинг негиз-и сифатида 1986 йилги план ҳамда социалистик мажбури-ятларини сўзсиз бажаришдаги камчиликларни бартараф этиш ва фойдаланилмаган резервларини сафарбар қи-лиш борасидаги тадбирлар белгиланди. Экономиканидаги ижодий тенденцияларини мус-таҳкамлаш ва ривожланти-риш зарурлиги таъкидланди. Шу мақсадда республика партия, совет, ҳужалиқ ор-талари, касабасоюз ва комсомол ташкилотларининг конкрет вазифалари белги-ланди.

КПСС XXVII съезди қар-орларини асосида Тошкент области партия ташкилотига меҳнаткашларнинг хатлари ва оғзаки мурожаатлари би-лан ишлаш тўғрисидаги ма-сала қўриб чиқилди. Кўп-гина партия комитетлари, ма-ҳаллий Советларнинг ижроия комитетлари бу ишда жид-дий нуқсонларга йўл қўйиша-ётганлиги, баъзида граждана-ларнинг мурожаатларига юзак муносабатда бўлиша-ётганлиги, уларни камдан-кам қабул қилишаётганлиги, аҳолининг шикоятларини келтириб чиқаришда сабаб-ларини оператив равишда аниқлашмаётганлиги ва улар-га барҳам беришмаётганлиги қайд этиб ўтилди.

Партия ва совет органла-рининг иш практикасида очик хат кунларини, раҳ-барларнинг меҳнаткашлар билан бевосита ишлаб чиқа-ришда, истиқомат жойлари-да учрашувларини ўтказиш камдан-кам бўлмоқда.

Тошкент области ва ша-ҳар партия комитетларида ҳамда бошқа баъзи партия комитетларида меҳнаткаш-ларнинг хатлари, аризалари ва шикоятларини қўриб чи-қиш борасида белгиланган муддатлар бузилмоқда. Об-ластининг бир қанча ташки-лотлари ва муассасаларида келувчиларни ҳисобга олиш ва қабул қилишда тегишли тартиб ўрнатилмаган, берил-ган топшириқларнинг бажари-лиш устидан назорат бўш. Гражданиларни қабул қилиш кўпгина масалаларни ҳал этиш учун етарли вако-лат бўлмаган ҳолатларга топшириб қўйилмоқда.

Марказий Комитет бюроси Тошкент области партия ко-митети зиммасига партия, совет, касабасоюз ва ҳужа-лик ташкилотларида меҳнат-кашларнинг хатлари, ариза-лари ва шикоятлари билан ишлашда тегишли тартиб ўрнатиш вазифасини топ-ширди. Шу ишнинг аҳоли учун корхоналар ва муассасаларнинг раҳбарларига та-лабчанлик оширилсин, хат-лар ва аризалар билан иш-лашда белгиланган тартибни бузувчи, хат ва аризаларни қўриб чиқишга юзак ва бюрократларча қарашга йўл қўйишчи мансабдор шахс-ларга нисбатан қаттиқ пар-тиявий таъсир чоралари қў-рилсин. Партия, совет, ҳу-

жалик ва жамоат ташкилот-лари аппарати фаолиятини яхшилаш ва таъминлашти-риш учун хатлар орқали оли-нувчи ахборотдан тўлароқ фойдаланилсин.

КПСС Уставига қўзда ту-тилган ваколат муддатлари ўтганлиги муносабати билан, шунингдек области партия комитетларининг тақлифла-рини ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюроси-нинг мажлисида 1986 йилда республиканинг бошланғич партия ташкилотларида ҳи-сobot-сайлов йиғилишларини ўтказиш чоралари белгила-б чиқилди. Партия группа-лари ва цех ташкилотларида ҳисobot-сайлов йиғилишлари-ни август-сентябрда, бошлан-ғич ташкилотларда эса сен-тябрь-октябрда ўтказишга қарор қилинди.

Области, шаҳар, район партия комитетларига, бош-ланғич партия ташкилотла-рига бўлгуси ҳисobot-сайлов кампаниясининг юксак таши-лиши ва сиёсий даражада бўлишини таъминлаш тақлиф-и этилди. Партия XXVII съез-дининг, КПСС Марказий Ко-митетини 1986 йил июль ну-мунининг қарорларини бажари-ришга, партия Марказий Ко-митетининг Совет Иттифоқи меҳнаткашларига Мурожаат-номасини амалга оширишга, меҳнаткашларини 1986 йил ва ўн иккинчи беш йиллик пландар ва мажбуриятлари-ни муваффақиятли бажари-ришга коммунистларнинг асосий эътибори қаратилмо-ғи зарур.

Ҳисobot ва сайлов комму-нистлар ижодий активлиги ва масъулиятини юксалтириш-га, қайта қуриш, ҳужалик ва маданий қурилишнинг ҳамма участкалариди партия таъси-рини кучайтириш, гоёвий-тарбиявий ишларни таъминла-штиришнинг ҳал қилувчи шарти сифатида бошланғич партия ташкилотларининг жанговарлигини оширишга кўмак бермоғи керак. Йиғи-лишлар танқид ва ўз-ўзини танқид, большевикчиликка ошкоралик вазиятида иш-чанлик билан ўтмоғи, кол-лективлар ҳаётининг етилган масалалари, олға ҳаракат қилишга тўғонқ бўлувчи нарсаларни бартараф этиш йўллари муҳокама қилинмо-ғи мумкин.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюроси Тошкент ССР Министрлар Со-вети, Ўзбекистон Касаба союзулари республика совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Мар-казий Комитетининг ўн иккин-чи беш йиллик топшириқла-рини муваффақиятли бажари-риш учун республика социал-листик муассасаларини таш-кил этиш тўғрисидаги қарори қабул қилинди. Қарорнинг баъни матбуотда эълон қили-нади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюроси партия ташкилотларининг ҳужалик, ташкилотчилик ва сиёсий ишларига раҳбарлик-нинг бошқа баъзи масалала-рини қўриб чиқди, шулар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

ТОШКЕНТ—ИВАНОВО

ҚАРДОШЛАРИМИЗ БАҒРИДА ЎҚИЙДИЛАР



Кечагина ўзининг синфини битирган бу ўқиринлар Ива-новга ҳам ўқиб, ҳам ҳунар ўргатгани жунаб кетишаёт-ганидан хурсанд.

— Биз,— дейди Фармон Зандар,— ана-ука Собир ва Муса Каримовлар билан битта синфда ўқиб, Ўрта Чирчиқ районидagi Низомий номи 30-мактабини бирга ту-гатдик. Энди уч оғайини бир-галликда курувчи-дуралор-лик иқтисодини бўйича ўқигани Иванова кетаял-ди. Кейин яна қадрдон «Партия XXII съезди» кол-хозига қайтиб келиб, ҳам-қишлоқларимиз учун замо-навий, ҳар томонлама қулай уйлар қуриб беришда ўз ҳи-самизни қўшмоқчимиз.

— Мен ва дўстим Костя Пак ҳам шу райондаги 51-мактабни тугатганимиз,—де-ди суҳбатда қўйилди Алберт Багаудинов.— Икковимиз ҳам электрон-ҳисоблаш ма-шиналарида ишлашни оруз қилардик. Ивановага ўқиш-га тақдир этишаётганлиги-ни, ўргатиладиган қасблар орасида ЭХМ операторлари ихтисослиги ҳам бор экан-лигини айтиш қувонич кет-ди. Дарҳол ҳужжатлари-мизни топширдик...

Партия ташкилотларидан хатлар

ҲАР БИР КҮН ЗАРБДОР

«Ахангарансмент» иш-лаб чиқариш бirlашмаси коллективни корхона ташкил тошган кунини 25 йиллигини нишонлашга ҳозирлик қилаётган. Ўзлон қилинган зарбдор ўн кунликларда ҳамма коллективлар актив иштироки атомда. Мусобақага ҳар ўн кунда якуни исоб борилади.

Кейинги ўн кунлик якуни бўйича коммунист Зокор Қораев бошлиқ бригада аъзолари қўлиб деб топилади. Бу коллектив ўтган йилларда ҳам самарали меҳнат қилиб эл оғзинга тушган. Бригада бошлиқ З. Қораевнинг ўзи област «Гранит» мукофоти лауреати бўлган.

Съездолди мусобақасида ҳам, сьезд қарорларини амалга ошириш учун бошланган курашда ҳам бу коллектив ҳаммаша олдинда келаётган. Ўтган ойда бригада ахли шартли бир миллион 250 миң дона шифер тайёрлаб берди. Ҳозир ишчилар белгиланган графикдан 17 кун олдинда келишляпти.

Коллектив эришяётган ютуқларга Ўзбекистон Компартияси ХХІ съезди делегати, област партия комитети аъзоси Антонина Разживина айнаса катта ҳисса қўшляпти. У қориниша тайёрловчи бўлиб ишляпти. Бу соҳада бой тақрибга тўлаган. Кўп ва сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш эл аввало, қориниша тайёрловчининг ғайратига боғлиқ. А. Разживина кундалик нормасини 130 процентга етказиб адо этиб, зарур миқдордаги қориниша ўз вақтида етказиб бериляпти.

Заволда илгор коммунистлар оа эмас. Корхона партия ташкилотига 32 партия аъзоси ва уч аъзоликка кандидат бirlашган. Уларнинг ҳар бири ўз зиммасига конкрет мажбуриятлар қабул қилган. Цех партия ташкилотлари ва партия группалари мажлисларида бу мажбуриятлар қандай бажарилаётганини тўғрисида ҳисоб бериб бормоқдалар. Кейинги ойларида ремонт механика цехи бошлиғи Ф. Тен, шифер технологияси бўйича катта инженер Л. Шульгинская ҳисоб беришлар Ҳисоботлар юзасидан ишни анида яхшилашга ёрдам берувчи тадбирлар ишлаб чиқилди. рационализатор ва ихтирочиларнинг ижодий активлиги ошди.

Техникани тараққий эттиришда ва иш жараёналарини таоминлаштиришга ҳозир коммунист рационализаторлар катта ҳисса қўшмоқдалар. Кувур цехи соловчи слесари Николай Куряев ўтган йили 20 га яқин рационализаторлик тақлифлари бериб чиққан эди. Уларнинг бир қисми ишлаб чиқаришга жорий этилиб 6,5 миң сўмлик самара олдинди. Бош механик А. Скребиннинг тақлифлари эса 8,5 миң сўмлик фойда келтирди. Партия XXVII съезди талаблари асосида цехларини техник жиҳатдан қайта қуrolлантириш ишлари давом этиляпти. Бу ҳақаракатда ҳамма коммунистлар актив иштирок этмоқдалар.

Н. АБДУРАСУЛОВ,
Ахангарон району.

ЎЗИ БОШ БЎЛИБ

Неъматилла Илҳомов бошлиқ бригада аъзолари бу йил 32 гектар ерда ҳўраки узум етиштиришляпти. Дастлаб боғлардан олинаётган ҳўраки гектар бошига 5—6 тоннадан ошмас эди. Неъматилла ана бригадда бошлиғи бўлиб келгач одамларнинг ишга муносабати тубдан ўзгарди. Пировард натижага қараб ҳақ тўлаш жорий этилди. Колхозчилар кўп ва сифатли маҳсулот етиштиришдан манфаатдор бўла бошладилар.

Орадан кўп ўтмади. Ишга янгича ёндошув дастлабки самараларини бера бошляди. Ҳар гектар бордан йиғиб олинган ҳўсил 13—14 тоннага айланди. Кейин сабзавот етиштиришда ҳам пудрат усули қўлланилди. Бригада аъзолари илгарилари сабзавот топириш планини бажара олмай уялиб қолшарди. Кейинги пайтда пудрат усули қўл келиб ҳўсил етиштириш сезиларли даражада кўпайди. Ўтган йили 500 тонна сабзавот етиштирилди. Бу йил ҳам коллектив юқори марраларни кўзлаган. Бригада аъзолари илдандаги 350 тонна ўрнига 400 тонна узум, олдинги йиллардагига нисбатан қарийб 1,5 баравар кўп сабзавот топиришга ҳаракат қилшляпти. Коллектив пилла етиштиришда ҳам рекорд қўймоқда.

Ютуқларга коммунистлар айнаса кўп ҳисса қўшмоқдалар. Цех партия ташкилотининг 7 аъзоси бор. Коммунистлар бригадда раҳбари Неъматилла Илҳомовни цех

партия ташкилоти секретарлигига сайлашган. Ҳўраки ишлари ҳам, партиявий ишларга ҳам Неъматилла анианинг ўзи бош бўляпти. Цех партия ташкилоти ҳар бир коммунист ва партиясиз активнинг меҳнат ва сисейи активлигини оширишга алоҳида эътибор бермоқда. Бўлиб ўтаётган партия йиғилишлари кун тартибига коллектив олдида турган энг муҳим масалалар қўйляпти. Ўтган ойда коммунистлар партия XXVII съезди қарорлари асосида бундан буюн бажарилиши лозим бўлган вазифаларни ишчанлик билан мувоқама этган эдилар. Яқинда бўлиб ўтган йиғилишда эса эртаги экинлар ҳўсинини йиғиштириб олиш ва ўртаги экинлар парваришини кучайтириш соҳасидаги вазифалар белгилаб олинди. Йиғилишда Тожибой Фузайлов, Мунаввар Пирматов, Содиқ Юсупов каби деҳқонлар ўз зиммаларига конкрет топиришлар олдилар.

Бригадининг 32 аъзоси бор. Уларнинг ҳаммаси Неъматилла акага фарзанддек бўлиб қолган. Унинг тарбиясини олган кўпгина ёшларни ҳозир Собир Раҳимов номли колхознинг бошқа бригадаларида ҳам қўришляпти. Жумладан 3-бригадага бошчилик қилаётган коммунист Абдумурод Қувватов, ҳисобчи Ҳамид Ҳакимов ва бошқалар Неъматилла аканинг шогирдларидир. Устоз бундай ишчан шогирдлар билан ҳаммаша фахрланади.

М. ТУРОВОВ,
Тошкент району.

АДҲАМ ака билан Салима опа бугун тўқин дастурхон атрофида ўтириб, ўзларидан йўқ шод эди. Салима опа бундан йигирма йилча бурун бўлиб ўтган қизик бир воқеани эслади-да, пикнлаб қўлиб юборди. Давроке, ўшанда АДҲАМ ака сал тилинч қилиб ҳар қанча иш бўлса ўзим ишляман, сизнинг вазифангиз уйда, дегадид Салимадон том бўйи сакраб тушган эди:

— Ўлманг ҳўжайин! Сиз бойота, мен чўри қиз эмасман! Аравани баравар тортаман деб сизга турмушга чиққанман!

Ҳозир шу гапни эслашиб эр-хотин баравар кулишди АДҲАМ ака «ўшанда сизни айланман-да, онаси» деб ўзини оқлади. Сўнгра бориб деворда осилган турган дурторни олди-да, овозини баралла қўйиб «Тановар»га чалди. Бир зумда замонавий мебель, қип-қизил қиллавлар билан безанган кенг хона қувноқ қўй ва оҳангга тўлди. Салима опаниннг елкалари учиб, товусдек хиром қила бошляди. АДҲАМ ака бўлса борган сари авж қилар, дуртор торларни унинг амрига бўйсиниб тобора жозибали нола қилар, қалбаларда энг мунарам ҳис-туғилулар уйғотарди. Бу — бахтидан, ҳаётидан миннатдор отаниннг, ўз умридан ва турмушидан мамун онаниннг завоқ-шавқи, уларнинг фаровон оила шаънига айтган биргилликдаги қўшиқлари эди, албатта.

Бирпасдан сўнгра Ақромжон билан Дамиржон кириб келишди. АДҲАМ ака ичкала ўлигига завоқ билан қараб турди-да, деди: — Яшасин ишчилар сулоласи! Қани, келинлар ўғилларини. Тўра марҳамат, бугун уйининг тўри сизларники. Биз ойинлар билан хизматда бўламиз. Ҳа, тортинманлар!

— Ие, дада, сизлар турганда биз тўра ўзимизми? — дея орқага тисарилиб Дамиржон.

— Даданлар бир нарс дегандан сўнгра, йўқ деманлар, бошларим, — деди Салима опа ўғилларини ўти-

ришга таклиф қилиб. — Бугун шунақа кун: кичиклар иззатда, катталар хизматда бўлади.

— Бугун металлурлар кун, байрам! Ичкилар кун, деди ганин АДҲАМ ака давом эттирди. — бугун Ақромжон билан Дамиржонларнинг бизнинг ишчи касбимизга садоқати рамзи куну бўлиб қолади. Уларни ишчи оила сулоласига қабул қиламиз. Бугунги кунни алоҳида нишонлаётганимизнинг боиси ҳам шунақа.

Шу кунни ишчи оиласида ўйин-куйини тинмади. Ақромжон билан Дамиржоннинг

дўстлари, ҳамкасблари, бутун коллектив мақташляпти. Бу бизга куч-қувват ва гуруҳ бағишляпти. Демак, жамият учун керакли фарзандларни ўстирибми.

Ветеран ишчи Дмитрий Деметьев «Яна бир муҳим гап бор» деди-да, сўз нишани Салимадонга бурди:

— Оналарнинг бир қўли бешикни, бир қўли оламни тебратди, деганлари тўғри, деди у салмоқлаб. Аммо, Салима Мукаррамованиннг учинчи қўли ҳам бор. Бу қўл билан у ишни уладламоқда. Ҳа, дўстлар, у оилада севимли она, меҳри-

Даврада кимдир шундай савол берди:

— Дамиржон билан Ақромжоннинг комбинатда ишляётганига уч-тўрт йил бўлиб қолди. Шунча вақтдан буюн уларни энди ишчилар сулоласи сафига қабул қилинаётганининг боиси нима?

— Бунга ўзим жавоб берман, — деб ўрнидан турди АДҲАМ ака. Ҳақиқатан ҳам бу қўпчиликка галати туюлиши мумкин. Бизда шундай қандай мавқуд. Оила аъзоларимиздан кимки бирор касбни ихтиёр қилса, аввало унинг қўлини қилиб, ишлаб кета олишини, ўзини тутини,

ган одам ўзини ҳам, рўзгорини ҳам ёлчимайди. Аввало инсон яхши яшаш учун меҳнат қилиди, яхши яшаш учун эса сийдиқилдан меҳнат қилмоқ керак. Биз оиламизда ва коллективда нимагани эришган бўлсак, ҳаммаси учун ана шу яратувчи меҳнатдан миннатдоримиз.

«Бургут болалари», «Дастлабки сўмоқ», «Биринчи қадамлар». Бу сўзлар меҳнат ҳўлимини аничага тарк этмади. Зотан, АДҲАМ Ардашеровнинг ўзи ҳам ҳақиқий бургут боласи. Бир вақтлар колхоз далаларининг султони деб ном чиқарган,

бўсини бошладилар. Улар Волжск автомобилсозларининг ватанпарварлик ҳаракатига қўшилишди, йилнинг тўрт кунда сонал ва маданий-маиший объектларда ишлаб беришга бел боғладилар. АДҲАМ ака комбинатда бутун оиласи билан биринчилардан бўлиб ана шу ташаббуслар қўшляпти. Бугун ана эмас, у ўз коллективига қайтгач, бригада советини қақириб масалани сал бошқақароқ қўйди.

— Биз ҳам, — деди АДҲАМ ака бригадда аъзоларига зимдан қизиб солиб, — ўз бошимизга кичик бир «хотимият»миз, яъни бригада советимиз бор. Бу эса комбинатнинг тўла ҳўқуқли ҳўжайинимиз деган сўзлар. Сизларга айтмоқчи бўлган гапим шуки, мен маъмуриятдан «енимиздаги болалар боғчасини беришлар, унинг бутун ремонтини ўз зиммасига оламиз» дедим. Улар рози бўлишди. Бунга сизлар нима дейсизлар?

— Тўғри ўйлабсиз, сардор, — дейишди ахил коллектив аъзолари бригадининг гапини маъқуллаб, — ўзингиздан қолар гап йўқ, карвонбоши ўзингиз. Сиз қаёққа бошласангиз биз ҳам ўша томонга қорамиз. Ўғил-қизларимиз яйраб-яшнайдиган масканни ремонтдан чиқариш ҳаммамизга ҳам куч-қувват бағишляпти.

Ҳа, шу кунларда бутун комбинат ишчилари ажойиб бир кўтаринчилик билан меҳнат қилмоқдалар. Бунинг боиси маълум. Бу — КПСС XXVII съезди белгилаб берган йўлни тўғри қўйди, одамларга бўлган ишонч, истибболнинг равшанлиги, партия социал-иқтисодий сисъатининг ҳаёбатлишлиги билан ҳаракатланади. Ана шу буюк куч АДҲАМ Ардашеровни, унинг ишчи фарзандларини, меҳнатсевар коллективини ҳам меҳнатда янги марралар сари илҳомлантирмоқда.

Э. ҲАЙДАРОВ.



КЛАРА Аҳметова Тошкентдаги подшпниклар рементини заводнинг илгор ишчис. Комсомол аъзоси бўлиш бу қиз мактабни туга-

тиб ушбу корхонага келганга атиги 3 йил бўлди. Дастлаб силлиқовчига шогирд тушди, кўп ўтмай муштақил ишлай бошляди. Ҳо-

зир учинчи разрядли моҳир силлиқовчи, зиммасидан топиришларини мунтазам ошириб бажармоқда. Т. Каримов фотоси.

ҚУРУВЧИЛАР ДАМ ОЛИШ ЗОНАСИ

Ўзбекистон ССР қишлоқ қурилиш министрлигига қарашли 21-механизацияланган кўча колонна қурувчилар йилида Ўрта Чирчиқ районидаги К. Маркс номли колхоз территориясида 1170 ўринли мактаб биносини муддатидан икки ой барвақт қуриб битказдилар.

Ишчиларимизнинг баракали меҳнат қилишларининг боиси улар самарали дам олаётганлигидан. — дейди кўча колонна касабасоюз комитетининг раиси Рихсидой Байбосов.

Дарҳақиқат, шундай. Коллонанинг Тошкент денгиз территориясида жойлашган дам олиш зонасида қурувчилар оила аъзолари билан биргаликда дам олишни ҳўш қўрадилар. Бу манзилгоҳда барча шарт-шароитлар яра-

тилган: эшакли ва моторли қайиқлар, спорт хоналари дам олувчилар ихтиёрида.

Яқинда М. Ҳўраев, В. Тен, Ч. Юсупов, И. Пак бошчилигидаги бригада қурувчилари дам олиш зонасида бўлиб, яхши ҳордиқ чиқариб қайтдилар. Эндиликда улар кўш унум билан меҳнат қилиб объектларни барвақт қуриб битказишга ҳаракат қилмоқдалар.

У. ҲАМИДОВ.

МЕХНАТ СЕМЕСТРИДА

ЖАСОРАТ МОНУМЕНТИ ФОНДИГА

ТОШКЕНТ Давлат медицина институтининг 1-даволаш факультети студентлари бу йил ёзи меҳнат семестрини атайнага мувофиқ турли қурилиш объектларида ўтказмоқдалар. Факультет студент отрядлари 42-қурилиш бошқармаси

коллективни билан 25 миң сўмлик иш бажариш шартномасини тугатганлар. Медиклар отрядининг бир группаси пойтахтимизнинг Собир Раҳимов райони Б-3 микрорайонда қад қўраётган икки қаватли мактаб биносини пардозлаш ишларини бажармоқдалар. Улар бу ишларни шу ойнинг охиригача тугатишга ҳаракат қилишмоқда. Студент-бунёдкорлардан У. Қурбонова, Б. Ҳўраева, О. Докучаева, М. Полянов, С. Нуриддинов, И. Ҳофурова, С. Шеранова-лар ўқийда аълочи бўлиш билан бирга, ўзларининг фидокорона меҳнатлари билан ҳам бошқа студентларга ўрнак бўлмоқдалар.

Отряд аъзолари ўтган шабба кўнини зарбдор кун деб эълон қилиб, шу кунги иш ҳақларини Москвада қуриляётган Жасорат монументи фондига ўтказдилар.

М. ХОЛБЕКОВА.

Я Н Г И ИХТИСОСЛИКЛАРДА

Илмий-техника тараққиёти ҳўнар-техника таълими системаси олдида ҳам қатор муҳим вазифаларни қўйди. Янги мутахассислик бўйича кадрлар тайёрлаш масаласи ҳам ана шу жараён билан узвий боғлиқдир. Бу борада Бекободдаги 9-ҳўнар-техника

билим юртида ибратли ишлар олиб боришмоқда. Ўзбекистон металлургия заводи отагинида бу кадрлар ўчоғи электрпоулат эришар ва прокат бўйича мутахассислар тайёрлашни планлаштириш. Шу мақсадда устахоналарни қайта жиҳоз-

лаш тадбирлари ҳам қўрилди. Шаҳардаги 20-ҳўнар-техника билим юрти янги ўқув йилидан аёллар ки-йимларини тикувчи мастерлар, тикувчилик машиналарини тузатувчи слесарлар, бош кийимлари мастерлари каби кадрлар тайёрлашга киришляпти. Шунингдек соатсозликка қизиқувчилар учун курс ташкил қилинади.

А. АЛИЕВ.

ТАЖРИБА АЛМАШИШ БУНАҚА БЎЛАДИ!

ТОШКЕНТ экскаватор ремонтни тажриба-механика заводида мамлакатимиз турдош корхоналари билан тажриба алмаштириш атайнага айланган. Корхона вакиллари Киев, Олмаота, Владимир ва бошқа қўллаб шаҳарларда бўлиб қайтишди. Шу йилнинг апрель ойида завод мутахассислари — бош конструкторлик бюроси бошлиғи Юрий Комраков ва механика-йиғув цехи вакили Владимир Поздняков Олсдадаги «Стройгидравлика» ва Ковровдаги экскаватор заводида боришди. Тошкентлик мутахассислар бу корхоналарда технология жараёналарини диққат билан кузатдилар. Айнаса, уларга унумдорлигини бир ярим баравар оширувчи экскаваторларнинг гидроусуналарини ремонт қилувчи илгор усул маъжуд тушди.

Тошкентга қайтган Ю. Комраков ва В. Поздняковлар бу ҳақда раҳбарларга ҳисобот беришди ва бу илгор технологиясини корхонада қўлашга қарор қилишди. У ердан келтирилган техник ҳужжатлар диққат билан ўрганиб чиқилиб, тезликда керакли универсал йиғув стендлари ва мосламалари тайёрлашга киришляпти. Бу янгилик эрта-индин ишлаб чиқаришга йўланма олади.

М. ДОКТОРОВ.

НАЗАРИЯ МАСАЛАЛАРИ

Партияимизнинг XXVII съезди томонидан ишлаб чиқилган ядаллаштириш концепцияси фақатгина сўнгги уч беш йилликда мамлакатимиз социал-иқтисодий ривожланиши масалаларини ҳал қилишга қаратилгангина эмас. Шу билан бирга у иқтисодий-сисъий ва маънавий ҳаёт соҳаларида қилинадиган ишларнинг комплекс программасини ҳам ўз ичига олади.

Социал-иқтисодий, иқтисодий-сисъий ва маънавий ҳаёт соҳаларида қилинадиган ишларнинг кўлами кенг, бу улутвор вазифаларни бажариш аввало инсон омилга, совет кишиларининг битмас-туганмас иқодий кучига, толмас шижоатига, қобилият, маҳорат, қудратли потенциал энергиясига, актив меҳнат фаолиятига боғлиқдир. Маълумки, совет кишиларининг моддий ва маънавий талаби кун сайин ошиб бормоқда. Инсон эътиёжини ҳар тарафлама қондириш ўз-ўзидан амалга оширилиши мумкин бўлади-кан, механик жараён эмас. Ядаллаштириш концепциясининг мазмунида социал-иқтисодий гуманизм ётади. Унинг бош шiori «Ҳамма нарсаси инсон учун, инсоннинг бахт-саодати учун». Бу шior совет кишиларининг турмуш даражасини

янада оширишга, социалистик турмуш тарзини такомиллаштиришга ва уни камолотга етказишга қаратилгандир. Уни амалга ошириш учун биз инсон омилга тўғри ёндашганимиз керак, яъни унинг потенциал имкониятларини, куч-қудратини, бунёдкор яратувчанлиги фаолиятини, иқодий активлигини кучайтирмоғимиз лозим. Шунинг учун Коммунистик партия инсон олдида янги талаблар қўймоқда.

Коммунистик партия таъкидлаб ўтганидек, фан-техника революцияси шароитида тарихин ҳаракатлантирадиган, жамият ҳаётини, тараққиёти ва истиқболини ҳал қиладиган энг асосий куч ҳалқ оммаси бўлиб келди ва бундан буюн ҳам шундай бўлади. Эндиликда совет кишилари халқор кескинлик кучайган шароитда яшашмоқда. Ана шу шароит мамлакатимиз экономикасини янада юксалтириш, халқор миқёсда унинг маънавий мустаҳкамлаш, фан-техника тараққиёти соҳасида олдинги босқичларга чиқиб олишини кун тартибига асосий масала қилиб қўйди. Бу эса ўз навбатида инсон олдида янгича қирқилар, янгича ишлаш, аниқ мақсад сари интилиш, бутунги ишлари эртага қўймаслик, ишлаб

чиқариш унумдорлигини тобора ошириш, фан-техника ютуқларини зудлик билан ишлаб чиқаришга жорий қилиш каби қатор вазифаларни қўймоқда.

Халқимиз фаолиятида ҳали юзага чиқмаган резервлар потенциалли, имкониятлар кўп. Фан-техника революцияси даврида инсон ишлаб чиқариш кучларининг асосий қисми бўлибгина қолмай, шу билан бирга у илмий-техника тараққиёти таъминлашда асосий омил бўлиб майдонга чиқмоқда. Инсоннинг потенциал имониятларини ишга солиш масак, унинг куч-ғайратидан стратегик мақсадлар йўлида фойдалана олмасак барча тузилган режаларимиз «бир даста қозғолар тўплами» бўлиб қолаверади. Бинобарин, фан-техника тараққиёти билан инсон муаммоси бир-бири билан узвий равишда боғлиқ бўлган муаммодир.

Инсон омилу бу кўп қиррали тушунча бўлиб унинг мазмунида инсонни, омани онгли, иқодий ва актив меҳнатга сафарбар қилиш, моддий ва маънавий бойликлар яратиш йўлида унинг битмас-туганмас бунёдкорлик фаолиятининг кенг қўламада фойдаланиш каби инсонга ҳос ажойиб фазилатлар ётади.

К. Маркс айтиб ўтганидек, ҳар бир тузилган инсон, табиийки, бир соҳага қобилиятли бўлади, бирор соҳага қизиқиб доираси кенг бўлади, бирор соҳада унинг таланти намоён бўлади. Бинобарин, инсоннинг ана шу потенциал энергиясини, қобилиятини топиб, тўғри йўналтириш мақсадли мувофиқдир. Демак, инсоннинг ана шу потенциал имониятларини билиш, унинг қобилиятини, талантини тўғри йўналтириш олимларнинг, психологларнинг социологларнинг ҳам асосий вазифаси бўлиб қолимоқда. Шунинг учун ҳам мактабларда, олий ва махсус ўқув юртларида амалга оширилаётган ислохотлар инсон омилу проблемасига комплекс жиҳатдан ёндашиш бўлиб, келажак авлодин иқодий меҳнатга тайёрлашдир.

Академик П. Капица айтиб ўтганидек, янги асрда келажак авлодининг асосий қисми илмий, иқодий меҳнат билан банд бўлади. Чунки фақат иқодий меҳнатни меҳнат унумдорлигини кескин суръатларда оширадиган кўпроқ моддий ва маънавий бойликлар яратди. Умуман олганда инсон иқодий тараққиёт мевасидир. Унинг шахсий фазилатлари ижтимоий муносабатлар

динамикасида намоён бўлади. Ҳозирги авлод тасаруф этаётган моддий ва маънавий бойликларнинг истеъдодли иқодкорини инсондир, кенг маънода қаралса халқдор. Унинг ҳаёти, иқодий меҳнат соҳасидаги фаолияти фан, техника, санъат, адабиётнинг раванқи учун битмас-туганмас манбадир. Максим Горький сўзи билан айтганда «Халқ барча моддий бойликларни яратувчи кудангига иборат эмас, маънавий бойликларнинг ҳам бирдан-бир ва битмас-туганмас чашмасидир».

Инсоннинг илмий, иқодий ҳаракатдаги меҳнати фан-техника тараққиётига кенг йўл очиб беради. Фан-техника тараққиёти эса янги техника, турли автоматик системаларни идора этишни, мураккаб операцияларни бажаришни, кенг қўламада робот техникаларидан, ЭВМ машиналаридан, компьютерлардан тўғри ва унумли фойдаланишни, бинобарин, юқори маалаки инженер-техник кадрларни тайёрлашни талаб қилиди. Чунки масофадан бошқариш машиналари, уларнинг гармоник иш бажариш жараёни мураккаб электрон машиналар, телебошқармалар орқали кузатиб турилади. Бу эса ўз навбатида юксак даражада интеллектуал меҳ-

натни, ақл ишлатишни талаб қилиди. Илмий коммунизм асосчилари К. Маркс ва Ф. Энгельс таъкидлаганларидек, социализм, коммунизм шароитида «меҳнат ҳам умумий, ҳам илмий ҳаракатга эга бўлади». Шунданга юксак меҳнат унумдорлигига эришиш мумкин.

Партияимиз меҳнат унумдорлигини аср бошига келиб 2,3—2,5 ҳисса ошириш зарурлигини программалаш қилиб қўйди. Бундай юксак кўрсаткичга эришишнинг бирдан бир йўли иқодий меҳнат негизда фан-техника тараққиёти ҳар тарафлама таъминлашдир. Меҳнатнинг олий формаси иқодий меҳнатдир. Илмий, иқодий меҳнат инсонни олий мақсадга қорлайди. Иқодий меҳнат инсоннинг қизиқиб доирасини кенгайтиради, янгидан-янги муаммоларни ҳал қилишга олиб келади. У монотон ҳаракатга эга бўлган жисмоний, касб толиқидан озод қилади. Иқодий меҳнат инсонни ўзига тортади, инсонни қайта тарбиялайди ва уни камолотга етказлади.

Лекин шунга алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, ишлаб чиқаришга фан ютуқларини жорий қилишда биз

қўпгина қийинчиликларга дучор бўляптимиз. Бунинг асосий сабабларидан бири ҳали ҳам қўпчилик ишлаб чиқариш корхоналари шу куннинг талабига жавоб берадиган иқодкор кадрлар билан тўла-тўқин таъминланмаганлигидир. Маълумки, биргина ўн биринчи беш йиллик мобайнида республикада фан-техника тараққиёти таъминловчи ишларнинг 50 проценти ишлаб чиқаришга таъин қилинди, холос. Шу салбий воқеаниннг рўй бериши асосан инсон омилдан келиб чиқади.

Кўп жойлардаги корхона раҳбарлари иқодий меҳнат қилиш талаби даражасидан юқори малакали ходимлар эмас. Айрим корхона раҳбарлари эскича иш тутиб, фақат корхона зиммасига юкланган плани бажаришга ҳаракат қилдилар, уларни фан ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий қилиш қўлда қизиқтирмайди. Бинобарин, улар иқодий меҳнатга тайёр эмаслигини билдириб қўйдилар. Бундай йўсунда ишга раҳбарлик қилиш жадаллаштириш концепциясига хилоф бўлган хатти-ҳаракатдир. Бунинг боиси баъзи раҳбар ходимлар, инженер кадрларнинг иқодий меҳнатга тайёрларлик савиясини

ЧОРВАЧИЛИК «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» НАЗОРАТИДА

ХОТИРЖАМЛИК ВА БЕҒАМЛИКНИНГ
НАЙТИ ЭМАС!

ҲН ИККИНЧИ беш йилликнинг дастлабки йили биринчи яри яқинда. Об-ласть ферма ва комплекслари меҳнатқашлари чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлашни кўпайтириш учун анчагина куч-ғайрат сарфлабди. Давлатга ўғит топириш ярим йиллик плани 118,9 процент, сут — 103,2 процент, туҳум — 116,1 процент, жун — 110,4 процент бажарилиди. Ҳар бош сизгидан соғиб олинган сут ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 71 килограммга, ҳар бир товуқдан олинган туҳум ўн донага кўпайди.

Бироқ сут ва туҳум етиштиришда бир мунча ўсимга эришилганлигига қарамай, область колхоз ва совхозлари қорамоллар сонига кайитириб юборилди. Уларни бир кеча-кундузда семиртиш даражаси пасайди, бузоқ олиш камайди.

Ҳозир асосий эътибор сут етиштириш ва тайёрлашга қаратилмоқда. Аграрно-комплекс муҳтажасининг куч-ғайратлари билан сут-товар фермалари ва комплексларда ишлаб чиқариш технологиясини риоя этилиши, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш мунтазам назорат қилиб боришмоқда. Текширув давомида ҳўжаликларда чорвачиликни юртишга оид методик ва амалий ёрдамлар кўрсатишмоқда. Текширув натижалари эса жойларда сут соғувчилар, молбоқарлар, муҳтажаслар ҳамда колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари иштирокда муҳокама этилмоқда.

Аммо айрим ютуқларга эришилган бўлса-да, областда сут етиштириш ва давлатга сотиш йиллик планини бажаришда мураккаб вазият вужудга келмоқда. Бунинг асосий сабаби шунки, биринчи ярим йиллик планини муваффақиятли бажарган бир қатор район ва ҳўжаликларда хотиржамликка берилиб, масъулият унутилди, иш аввалгидек бир маромда давом эттирилмапти.

Масалан, Бўстонлиқ, Охангарон, Ўрта Чирчиқ районини ҳўжаликларидан соғин сизгиларнинг маҳсулдорлиги камайди, сут етиштириш ва тайёрлаш суръатлари кейинги пайтларда анча бўшади. Озуқа тайёрлаш суръатини давом этиштириш. Бўстонлиқ районидан «Чорвоқ», «Правда» газетасининг 50 йиллиги, «Новгород» совхозларида, «Ленинград», «Қизилту», «Қозонистон» ССР 30 йиллиги

колхозларида, Охангарон районидан Серго номи, Куйбисhev номи, Ворошилов номи совхозларида, Ўрта Чирчиқ районидан Куйбисhev номи, А. Икромов номи колхозларида, айниқса, бу соҳадаги ишлар бўшаётганлиги кўрибди. Бу ҳўжаликларда социалистик мусобақага ҳар ўн кунда якун чиқариб борилаётганлиги якун чиқаришда ҳам расмийликдан наринага ўтирмайди.

Бир қатор колхоз ва совхозларда подальларни урчиштириш масаласи яхши ҳал этилмапти. Бўстонлиқ районидан «Ленинград» колхоз ва Охангарон районидан Куйбисhev номи совхозда сизгилар мундарида илгари сутдан чиқариб юборилган. Бўстонлиқ районидан «Қозонистон ССР 30 йиллиги» колхозда эса урғочи молларни урчиштириш улардан бузоқ олиш графиклари йўқ. Бунинг оқибатида сут бераётган сизгилар сон умумий подада 71,8 процентдан ошмапти.

Ўрта Чирчиқ районидан А. Икромов номи, Египет номи, «Ленин йўли» колхозларида наслик ишларни яхши йўлга қўйилмади. Муҳтажасининг бу муҳим масалага ўта масъулиятсиз муносабатда бўлган.

ликлари шунга олиб келдики, биринчи ярим йилликда район бўйича 50 бош кам бузоқ олинди. Ҳар юз бош урғочи молдан олинган бузоқ эса ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 4 тага камайиб кетди. Олти ой ичда 540 бош сизгилар юборилган бўлса, соғин сизгилар подасига 439 бош гунажини қўшилди, холос. Бу — район аграрно-комплекс муҳтажасининг раҳбарлари билан сизгилар зарур талабчанлигининг ва қатъий назоратнинг йўқлиги оқибатида.

Оққўрғон, Охангарон, Бўстонлиқ, Ўрта Чирчиқ ва бошқа айрим районларнинг раҳбарлари ва муҳтажасинлари ишнинг бугунги кун талаблари асосида қайта қўришда гўшт суткашликка йўл қўймоқда. Чорвачиликни юртишдаги технологияни жараёнларнинг турли йўллари билан бузилишига беғавар қарамоқдалар. Айрим ҳўжаликларда молларни боқиб ва парвартиш қилиш тартиблари бузилипти, давонлар профиликта ва ҳўжалик-ташқилий тадбирлар ўз вақтида ўтказилмапти. Бир қатор колхоз ва совхозларнинг сут-товар фермаларида таш-

вишли аҳвол ҳукм сурмоқда.

Зооветеринария лабораторияларининг иши ҳанузгача РАПО раҳбарларининг эътиборидан четда қолдирилган. Бу лабораториялар кадрлар билан таъминланмаган, асбоб-ускуналар билан жиҳозланмаган. Бунинг оқибатида тайёрланган озуқаларнинг сифати ўз вақтида аниқланмапти, радиолар мувофиқлаштирилмапти, унинг таркибига тўғилмиш ва бошқа микроэлементларнинг етарли бўлиши таъминланмапти. Бу эса сизгилар маҳсулдорлигининг пасайишига, сут етиштиришнинг камайишига олиб келмоқда.

Аҳолидан эҳтиёждан ортнча сутни харид қилиб олиш каби муҳим резервдан ҳам қониқарсиз фойдаланилти. 1986 йилнинг 1 январига бўлган маълумотга қараганда область қишлоқ меҳнатқашларининг шахсий ҳўжаликларидан сизгилар 88,1 минг бош бўлган. Бу 1985 йилдагига нисбатан 3,1 минг бош кўп десаклар. Хонадорларнинг айланб, текширув ўтказилганда сизгиларнинг асосий қисми баҳорда бузоқлаб, ҳозир сут бераётган сизгиларнинг сон 60—65 мингга етганлиги, уларнинг ҳар бирдан

кунига 10—12 килограммдан сут соғиб олиниб, жами 600—750 тонна сут етиштирилганлиги аниқланди. Аммо аҳолидан бир кунда харид қилиб олинаётган сут 35—39 тоннадан ошмапти. Бўна, Коммунистик, Оққўрғон ва Бекобод районларида аҳолидан ортнча сутни харид қилиб олиш, айниқса, ёмон уюштирилмоқда.

Областдаги айрим ҳўжалик ва районларда чорвачиликнинг тайёрларлик кўришга жуда сустлик билан киришилмоқда. Озуқа тайёрлаш, молхоналарнинг ремонт қилиш ва янгиликларни қўриш суръатлари паст. Бу эса қиш даврида маҳсулот етиштириш ва тайёрлашга акс таъсир кўрсатиши мумкин. Чунки сизгиларни қишда бир жойда асраб боқиб, озуқани тежаб-тежаб сарфлаш, технологияни жараёнларга қатъий амал қилиниши устидан назорат ўрнатилиш ва ҳисоб-китоб ишларини тўғри юртиш, қорамолларни қишдан бетафот олиб чиқиб ва уларнинг маҳсулдорлигини қайтаришга кўришларга нисбатан талабчанлик кучайтирилади. Қишлоқ яқиндаги сари ферма ва комплекслардаги ишлар ҳам қўйиб, мураккаблашиб боради. Бу эса район аграрно-комплекс муҳтажасининг эътиборида қолдирилган. Бўстонлиқ районидан сизгиларнинг боришига нисбатан эътиборни қайтариш, ҳодимларнинг уқумли ишлаб, яхши ҳорлиқ чиқаришлари учун зарур шароитларни яратиб бериш, уларнинг ўз меҳнатлари натижасига нисбатан манфаатдорлигини ошириш вазифасини қўйлади.



ХАЛҚАРО АҲВОЛ

УРУШ ҲАРАКАТЛАРИ
ДАВОМ ЭТМОҚДА

БАҒДОД, 23 июль. (ТАСС). Ироқ авиацияси душманнинг икки ҳарбий лагерига ҳамда эрон қўшинлари штабларидан бирига зарбалар берди, деб хабар қилди Ироқнинг ҳарбий вакили. Ироқ бош ҳарбий қўмондонлигининг навбатдаги ахборотида ФАО секторидан, Басрадан шарқда ва Майсанда шимолдаги районларда, фронтнинг шимолдаги уруш ҳаракатлари тўғрисида хабар қилинди. Душман аскар ва техникадан талафотлар берган.

НИКОСИЯ, 23 июль. (ТАСС). Ўтган кунлар мо-

байнида фронтнинг турли участкаларида жанглар ва шингов отишмалар бўлиб турди, деб хабар қилади Ироқ агентлиги. Ироқ томонига аскар ва техникадан талафот етказилган. Ироқ ҳарбий-ҳаво кучларининг самолётлари чегарадан сал бериди Маривай шаҳрини бомбардирон қилган. Бир неча бингоа шикаст етказилди, дейди Ироқ агентлиги.

Чет эл агентликларининг Техрондан хабар қилишларича, «бугун эрталаб Эрон пойтахтида ҳаво тревогаси эълон қилинган».

ХАВФСИЗЛИК
КЕНГАШИНИ
ЧАҚИРИШ
ТАЛАБ ҚИЛИНДИ

НЬО-ЙОРК, 23 июль. ТАСС мухбири Аркадий Сидорук хабар беради: Никарагуа Қўшма Штатларнинг Никарагуа ҳукумати ва халқига қарши босқинчилик ҳаракатларини халқро ҳуқуқ нормаларини қўпол равишда бузиш деб баҳолаган Гаагадаги халқро суднинг қарорини муҳокама қилиш учун хавфсизлик кенгашини чақириш талаб қилди. Никарагуанинг бирлашган миллатлар ташкилоти ҳузурида доимий ваколатхонасида ТАСС мухбирига шу ҳақда маълум қилди. Хавфсизлик кенгашининг мажлисида Никарагуа президенти Даниел Ортега иштирок этади.


Мустақил ривожланиш йўлига ўтиб олган Никарагуа халқини бўйсундиришга, унга ўз империалистик ҳуқуқдорлигини тикштиришга уриниб, Вашингтоннинг агрессия сиёсати ҳозирнинг ўзидеги бирлашган миллатлар ташкилотиде, шу жумладан хавфсизлик кенгашида ҳам бир неча бор кескин танқид қилинди.

Хавфсизлик кенгашининг бўлаёк мажлиси жаҳон халқлари Вашингтон расмий қарорларини ўтказмаган ҳолда сиёсатни қаҳр-ғазаб билан қоралатганлигини билан бир қобул қилди. Вашингтон халқро суднинг Никарагуага қарши ҳуқуққа зид ҳақти-ҳаракатларини ўтказиш, иқтисодий қамал ва кўпуровчилик ишлари натижасида етказилган зарарин тўлаш тўғрисидаги адолатли талабини бажаришдан қайсарлик билан бош тортмоқда.

БЕЛУЖЛАР БИЛАН ЭРОН
СОЛДАТЛАРИНИНГ ТўқНАШУВИ

КОБУЛ, 23 июль. (ТАСС). Бахтар агентлигининг хабар беришича, Эроннинг шарқий районларида режимнинг ҳарбий-сиёсий қурали билан ўз аъённинг ҳуқуқларини сақлаш учун курашаётган белуж қабилалари ўртасида қуролли тўқнашувлар давом этмоқда. Белужлар Эрон-

шаҳр яқинида Эроннинг ҳарбий базасига ҳужум қилиб, 9 солдатни қириб ташладилар. Миржабе шаҳри атрофларида белуж отрядлари билан олиб боришган жанг натижасида «Ислом инқилоб»нинг посбонлари 12 киши ҳалок бўлди.



БОСМАЧИЛАР ТОР-МОР ЭТИЛДИ

КОБУЛ, 23 июль. (ТАСС). Бахтар агентлигининг хабар беришича, Ҳирот вилоятида ва Гардес шаҳрига тўташ районлари АДР қуролли кучлари бўлинмалари ўтказган жанговар операциялар давомида турли ақсилчиликчи гуруҳларга кирган калаласарларнинг урта тўдаси йўқ қилинди. Опера-

циялар давомида чет элларда ишлаб чиқарилган қурол-ароғлар ўлка олинди. Бу — АҚШ бошчилигидаги империализм ва реакция кучлари муштақил Афғонистонга қарши эълон қилинган уруш қўламлигини ҳамон кенгайтираётганликларининг рад этиб бўлмайдиган далилидир.

Совет Иттифоқининг Европа мамлакатлари билан ўзаро манфаатли фан-техника ҳамкорлиги муттасил ривожланиб бормоқда. Швейцарияда ядро тадқиқотлари (ЦЕРН) бўйича Европа ташкилоти ана шундай ҳамкорлигини объектилардан берилади. Суратда: ЦЕРНда СССР иштироки билан 27 километр узунлидаги еросит тоннелида янги электрон-позитрон тезлатгични монтаж қилиш ишлари бормоқда.

Е. Коржев фотоси. ТАСС.

ТЕРРОРЧИЛИК ХУРУЖИ

БУЭНОС-АЙРЕС. Реакцион унсурлар Аргентина Компартиясига қарши террорчилик хуружини амалга оширдилар. АКПнинг бу ерда эълон қилинган баёнотида маълум қилинишича, улар Росарио шаҳрида Компартия маҳаллий бўлими қароргоҳини ёндириб юборди.

(ТАСС).



Жанубий Африка Республикасида ирқчиликка қарши намойишлар тўқнаш бўлди. Тўбора кўпроқ африкаликлар ирқчиларнинг қўрбон бўлмоқда. Мамлакатда вазият кескинлашмоқда. АП—ТАСС телефотоси.

1986 ЙИЛНИНГ БИРИНЧИ ЯРМИДА ЧОРВАЧИЛИК МАҲСУЛОТЛАРИ ЕТИШТИРИШ ВА ДАВЛАТГА
СОТИШ ПЛАНЛАРИНИНГ БАЖАРИЛИШ ЯКУНЛАРИ Тўғрисида

МАЪЛУМОТ

районлар	Етиштириш (йиллик планга нисбатан процент ҳисобида)			Давлатга сотиш (ярим йиллик планга нисбатан процент ҳисобида)			Вир сизгидан ўртача соғиб олинган сут (килограмм)		
	Гўшт	Сут	Туҳум	Гўшт	Сут	Туҳум	1986 й.	1985 й.	±
Оққўрғон	42,1	45,1	72,3	101,1	96,3	75,8	1111	1014	+ 97
Охангарон	46,5	46,9	77,5	141,9	105,4	85,0	1129	1150	- 21
Бекобод	52,6	50,4	106,2	109,9	101,6	110,3	1339	1257	+ 82
Бўстонлиқ	57,3	50,4	113,9	108,7	123,5	128,6	1049	1031	+ 18
Бўна	33,0	45,0	85,3	102,7	100,8	54,2	1146	1037	+ 109
Ғалаба	41,0	45,2	116,4	115,8	98,2	196,2	1381	1297	+ 84
Калинин	60,5	49,9	102,2	112,9	107,1	93,8	1362	1303	+ 59
Коммунистик	53,5	50,7	98,4	105,0	103,8	109,7	1543	1496	+ 47
Оржоникидзе	77,9	48,7	123,5	160,0	105,1	134,6	1369	1342	+ 27
Паркент	59,9	48,0	93,7	110,3	119,9	129,8	1079	1258	- 179
Пискент	47,1	48,5	72,7	102,1	102,4	133,4	1262	1185	+ 77
Ўрта Чирчиқ	47,8	50,6	128,8	104,5	113,8	100,3	1233	1128	+ 105
Тошкент	56,8	52,1	84,4	102,0	101,9	62,4	1612	1430	+ 182
Чиноз	78,6	43,7	95,8	150,0	94,6	107,4	1754	1544	+ 210
Янгийўл	44,9	37,4	94,6	88,7	93,8	87,6	1251	1073	+ 178
Область бўйича	50,8	47,2	118,0	118,9	103,2	116,1	1318	1247	+ 71

нинг йўқлиги, борларда ҳам маҳсулотлар ўтказилмаётгани, ишлаб чиқариш таълими мастерларнинг ўзинга бириктирилган соҳа бўйича ихтисослашмагани кўрсатиб ўтилган эди. Шу билан бирга редакция хат муаллифи О. Шукров ҳақида ҳам тўхтаган. Бу мастер билим юртидаги макур камчиликлар ҳақида бир неча бор маъмуриятга маълум қилган, йилишларда ўртага ташлаган, эътибор берилмагандан сўнг ниҳоят юқори ортиларга мурожаат қилишга мажбур бўлган. Билим юрти маъмурияти эса уни таъйиб остига олган.

Ана шу мазмундаги мақолага яқинда 7-ўрта хуна-техника билим юртидан жавоб олинди. Унинг директори Н. Мирзаяевнинг маълум қилишича, матери-

алда қайд этилган фактлар тасдиқланган. Мақола педагогик совет йиғилишида муҳокама қилинган ва мажбур иқтисодларни бартараф этиш юзасидан бир қанча тадбирлар белгиланган. Қатор ихтисосликлар бўйича амалий лабораториялар ташкил қилиш, мавжудликларни мукамил жиҳозлашга эришилди, манфаатдор ташкилотлар қўмағида билим юртини малакали кадрлар билан мустаҳкамлаш кўзда тутилди.

Бир қарашда жавоб ҳам, унга илова қилинган саккиз пунктдан иборат тадбирлар рўйхати ҳам бийойидек. Аммо, редакция жавобдан қониқмади. У шомша-шарик билан, пухта ўйланмаган ҳолда, шунчаки редакциянинг «тинчтин» унчигина ёзилганлиги сезилиб турибди. Чунки жавобга

илова қилинган рўйхатдаги тадбирларнинг баъзилари база ҳисобланган қорхоналар маъсул деб ёзилган. Аслида эса педагогик совет йиғилишида ана шу қорхоналарнинг вакиллари қатнашишмаган, бу тадбирлардан эса уларнинг умуман хабари йўқ. Шундай экан улар ўзлари билмаган ишга қандай қилиб маъсул бўла оладилар?

Жавобда педагогик коллектив ва билим юрти раҳбарларининг ишлаб чиқариш ёш мастерига бўлган нотўғри муносабати ўзгарди, йўқми — бу ҳақда ҳам ҳеч нима дейилмаган. «Жавоб берилса, бас» қабилда иш тутиш матбуоти ҳам, жамоатини ҳам чалғитишдан бошқа дарса эмас. Билим юрти раҳбарлари бу ҳақда жиддийроқ ўйлаб кўрадилар, деган умиддамиз.

бўлиб, унга нисбатан, усталик билан, инсонини виждон эркинлигини таъминлаган ҳолда кураш олиб бориш тавсия қилинади, чунки СССР Конституцияси виждон эркинлигини таъминлайди. Бу иллатларга қарши иш ағитишга, пропаганда ишларини олиб боришимиз, янги аъёнларни жойларда таркиб топиши учун амалий-ташқилий ишлар савиясини тобора ошириб боришимиз керак.

Ҳозирги шароитда биз учун энг хавфли бўлган унчинчи гуруҳа иллатлар бор. Бу иллатлар, 1950 йиллардан кейин баъзи жойларда идеология ишларининг бўшашиб кетганлиги натижасида пайдо бўлди.

Бу иллатлар эски майда буржуазия психологияси реңдчилари сифатида пайдо бўлган меҳнатчилик, ҳусусий мулкчилик, зебин-зийнатларга муккасидан берилиб кетиш, ўта истет-молчилик, маншатга — юқори маркали енгил машиналарга, дала-ҳовлига, қимматбаҳо ховли участкага, мебелларга эга бўлиш учун ҳар қандай нуқсон йўлдан боришди. Бундай одамлар турли йўллари билан моддий жиҳатдан ниҳоятда таъминланган бўлса ҳам маънавий жиҳатдан тубан инсонлардир. Бундайлар раҳбар ҳодимлар даражасига кўтарилиб қолса, айниқса, хавфлидир. Ана шундай айниган кишилар одатда давлат манфаатидан кўра ўзининг

шахсий, ҳусусий манфаатини кўпроқ ўйлайди. Улар давлатга, жамоатга нисбатан жуда катта зарар етказадилар. Атрофни, социал мухитни заҳарлайдилар. Жиний ҳақти-ҳаракатининг жойларда содир бўлиши динамикаси асосан ана шу тоифа кишилар сабаб бўлмоқда.

Социалистик турмуш тарзига мутлақо тўғри келмайдиган жинияткорона турмуш кечирувчи кишиларга қарши кураш кенг жамоатчиликнинг асосий вазифаси бўлиши билан бир қаторда — ҳар бир инсоннинг ҳозирги шароитдаги бурчи ҳам бўлиб қолмоқда.

КПСС Программасида шундай дейилади: «Партия белгиланган вазифаларни муваффақиятли ҳал этишини инсон омили ролининг оширилиши билан боғлайди. Социалистик жамият ҳамма соҳаларда омманинг иқидий фаолиятини ривожлантиришининг янги-янги йўллари тоғмасдан туриб, самарали тарзда иш юрита олмайди. Тарихий мақсадлар қўлағи қанчалик кенг бўлса, миллионларнинг уларга эришишида хўжайинларча манфаатдорлик, масъулият билан, онглик билан фаол иштирок этиши шунчалик муҳимдир».

М. АББОРОВ, фалсафа фанлари кандидати, доцент.

ТОШКЕНТ
ҲАҚИҚАТИ

материаллари изидан

ЖАВОБДАН
КОНИҚМАДИК

Газетанинг шу йил 20 июнь сониде босилган «Назарий пухта, аммо...» сарлавҳали мақолада Тошкент шаҳрида 7-ўрта хуна-техника билим юртининг ишлаб чиқариш таълими мастери Обид Шукров редакцияга йўллаган хат изидан борилиб, макур билим юр-

тидаги камчилик ва нуқсонларнинг ўқувчилар билим савиясига салбий таъсир кўрсатётгани ҳақида фикр билдирилган эди. Жумладан айрим тажриба лабораторияларининг номинига борлиги, қатор ихтисосликлар бўйича амалий машғулотлар учун зарур хоналар-

ВА ИНСОН ОМИЛИ

замон талабидан паст. Давр талаби раҳбарлар меҳнатга иқидий ёндашшини тақозо этади, раҳбар аввал ҳар томонлама илми, юқори малакали, иқидий меҳнат қилиш қобилиятига эга, фан ютуқларидан, янги техникадан хабардор етук инсон бўлиши керак. Шу каби фаилатларга эга бўлмасдан туриб, қорхонада янги техникани қўриш қилиб бўлмайди. Қорхона раҳбарлари турмуш, ҳаёт талабидан орқада қолмасликларига керак, раҳбар ҳодим илмий-техника революциясининг олдинги қаторида бормаса бу ҳолда консерватизм ботқонига ботиб қолиши табиийдир.

Айрим юқори лавозимдаги раҳбар кадрларининг консерватизми ҳалқ ҳўжалигининг ҳамма тармоқларида салбий из қолдириб келди. Уларда ишларнинг кўп қисми ҳали ҳам кўл кучи билан бажарилимоқда.

Шунинг учун ҳам партия-миз фан-техника тараққиётини бутун қоралар билан жадаллаштириш ва кўл кучи меҳнатини бутунлай чиқариб ташлаш масаласини ўртага қўйди. Бу масала партия-мизнинг янги таҳридаги Программасида ҳам ўз аксини топан.

Инсон омили тушунчаси комплекс характерга эга бўлган тушунча бўлиб, у инсонни фақат фан-техника тараққиёти талабларига жавоб берадиган тарзда тарбиялаш зарур деган тушунча билан чегараланиб қолмайди. Бу аввалро, инсонни коммунизм принциплари содик, социалистик мулкни кўз қорачўғидек сақлаш, эскилик қолдиқларига қарши мурасасиз курашувчи, совет турмуш тарзига амал қилувчи ватанпарвар руҳда, жамият, давлат манфаатларини ўз манфаатидан устун қўювчи қилиб тарбиялаш каби масалаларни ҳам ўз ичига олади.

Инсон таълим-тарбияси муҳим проблемалардан бири эканлигини назарда тутиб, республика партия ташкилоти социалистик турмуш тарзини тақомиллаштириш, ҳаётинини соғломлаштириш соҳасида қатор чора ва тадбирларни кўрмоқдалар. Бу соҳада қилинган ишларининг қўлағи кенг. Социалистик турмуш тарзи принципларига ҳилоф бўлган ҳақти-ҳаракатларни бартараф қилиш мақсадида жойларда кенг қўлағида профиликка ишлар олиб боришмоқда.

СССР Олий Совети Президиумининг «Меҳнатсиз даромад топишга қарши ку-

рашини қучайтириш» тўғрисидаги фармони 1 июлдан бошлаб кучга кирди. Бундан қўриб турибдики, ҳалол меҳнатнинг обур-этиборини ошириш социализмининг «ҳар қандай» қобилиятига яраша, қанчига — меҳнатига яраша» деган асосий принципни оғишмай амалга ошириш тўғрисида, меҳнат ва истет-мол метери устидан давлат ва жамоат контролини янада қучайтириш ҳақида доимо ғамхўрлик қилиб келимоқда.

Дарҳақиқат, ҳалол меҳнат қилишга нима етсин! Ҳалол меҳнат инсонни улуг'лайди, инсонни покка сақлайди. Ҳалол меҳнат туғилган инсон шун-ш

«ҲАЗРАТИ ИНСОН» ЖАҲОН ТИЛЛАРИДА



ТАНИҚЛИ ўзбек ёзувчиси Раҳмат Файзийнинг «Ҳазрати инсон» романи Улуғ Ватан уруши оқибатида ота-онасиз қолган болаларни ўз тарбиясига олган Шомамудовлар оиласининг жасорати ҳақида ҳикоя қилади. Бу роман ҳозиргача жаҳон халқларининг 17 тилида, жами 3 миллиондан ортиқ нусхада чоп этилди.

Шомамудовлар оиласида миллати украин бўлган Федор Кузьчиковский (унинг исми-шарифи 5 ёшдан то юлга етгунга қадар Иудлош Шомамудов эди) ҳам тарбияланди. У ўзининг қариндошларини ахтариб узоқ йиллар турли адресларга мактублар орқали мурожаат қилди, жуда кўп вақтнинг архив ҳужжатларини ўрганиш билан ўтказди, аммо бу изланишлардан натижа чиқмади. Фақат журналистлар ва бухгалтерия қизил изопарларнинг ёрдами билангина у ўз қариндошларини топишга муваффақ бўлди. Суратларда: Шомамудовлар оиласида тарбияланиб, узоқ йилликдан сўнг буви ва холаси билан дийдор кўришган Ф. Кузьчиковский; «Ҳазрати инсон» романининг турли тиллардаги нашрларидан намуналар; Ойла архивидан: Баҳри опа Акрамова ва Шомамуд ака Шомамудов (ўртада) ўз бағриларига олган болалар билан (чадан унчичи — Ф. Кузьчиковский).

Р. Шагаев фотолари.

(ТАСС фотохроникаси).



ХАМШИРАЛАР КОНКУРСИ КИМ ЭПЧИЛ?

▲ ОБЛАСТЬ физиотерапия касалонасида «Ўз касбининг устаси» конкурс бўлиб ўтди.

Беш турда ўтказилган ҳамшира қизлар бешлашвида Л. Пан биринчи, М. Климбетова иккинчи, Г. Ҳасанова учинчи ўринларни олишди. Конкурс ғолиблари эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Д. КАРИМОВА.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ОРЖОНИКИДЗЕ РАЙОНИДАГИ 12-ХУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ 1986—1987 ЎҚУВ ЙИЛИГА қуйидаги мутахассисликлар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Кенг ихтисосли тракторчи-машинист (ремонтчи-слесарлик ва автомобиль ҳайдаш ҳуқуқи билан), чорва молларини ветеринария ишловидан ўтказиш ва молхоналарни дезинфекция қилиш операторлари, чорвачилик фермалари механизаторлари (электромонтерлик малакаси бўйича), автомобиль ҳайдовчилари, 3-класс тракторчилари.

Билим юрти 1962 йилдан буён қишлоқ хўжалигида ишлаш учун юқори малакали кадрларни тайёрлаб келмоқда.

Малакали ишчилар тайёрлаш учун билим юртида барча шарт-шароитлар муҳайё этилган: ўқув кабинетлари, барча замонавий асбоб-ускуналар, кўргазмалар қурулган ва техникавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. Танлаган касбингиз бўйича барча ўқув қурулларни мавжуд бўлиб, касбингизни пухта эгаллашга имкон беради. Барча ўқувчилар стипендия, турт маҳал бепул овқат, кийим-бош ва ётоқхона билан таъминланадилар.

Билим юртида бадий ҳаваскорлик тўғрисида, фото, футбол, волейбол, баскетбол, кураш, бокс, стол тенниси тўғрисида мунтазам ишлаб туради.

Алоҳида футбол майдони, отиш тири мавжуд.

Ўқиш давомида ўқувчилар Ватанимизнинг ғўзал ва қаҳрамон шахарларига экскурсияларга борадилар.

Билим юртини аъло баҳолар билан тугатганлар олий ўқув юртиларига ўқишга конкурссиз кириш ҳуқуқига эга бўладилар.

Ўқиш муддати 1 ва 3 йил. 3-класс тракторчилари гуруҳларида ўқиш муддати 6 ой. Бу гуруҳларни битирган барча ўқувчиларга Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида ишлашга йўллама берилади.

Кенг ихтисосли тракторчи-машинист ва автомобиль ҳайдовчилари гуруҳларига фақат 8-синфни битирган ўқувчилар қабул қилинади.

Қолган мутахассисликлар бўйича 3 йиллик гуруҳларга 8-синфни битирган ва 1 йиллик гуруҳларга 10-синфни тугатган йигит ва қизлар имтиҳонсиз қабул қилинади.

ЎҚИШ 1 СЕНТАБРАН БОШЛАНАДИ.

Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни тоширадилар: директор номига ариза, 8- ва 10-синфни битирганлик ҳақида шаходатнома, турар жойдан справка, 8 дона 3х4 см. ҳажмидаги фотосурат, медицина справкиси.

Адрес: Тошкент область, Оржоникидзе райони, «Геофизика» посёлкаси, Тошкент шаҳридан 1, 16, 24-автотўсида «Троцкий поворот» бекатига борилади. Метроини «М. Горький» станциясидан 63-автотўсида «1-Қорасу» бекатига, Луначарский шосседаги «Марказ» бекатидан «Тошкент-Чингелди», «Тошкент-Тузель» автобусларининг «Геофизика» бекатига борилади.

Қабул комиссияси ҳар кун соат 9.00 дан 17.00 гача ишлайди.

ДИҚҚАТ, СУРАТГА ОЛАМАН!


«ЭЛИКОН-35-С» чиройли сурат олади

Бу фотоаппарат биринчи марта сурат олишни бошлаган кишилар учун аталган. Замонавий электрон схемадан ўрнатилган автоматик мосламаси суратга олинаётган жойининг параметрларини ўзи аниқлайди. Суратга олиш учун тепкисини босиш kifoy.

«ЭЛИКОН-35-С» ичига ихчам импульсли ёритгич ўрнатилган мамлакатда биринчи фотоаппаратдир.

Бу фотоаппарат хира ёритилган жойларда ҳам бемаъл суратга олади. Ёришиб турган лампочна фото ёритгичнинг ишга тайёр эканлигидан «хабар» беради.

Ўткир нури кенг бурчакли кўзгуси 35 мм. пленкага оқ-қора ва рангли тасвирли сурат олиш имконини беради.



Фотоаппарат баҳоси — 90 сўм.
«РАССВЕТ» МАРКАЗИЙ РЕКЛАМА САВДО ТАШ-КИЛОТИ

ЎЗБОП КЎЙЛАКЛАР

Тошкентдаги тикув ишлаб чиқариш бирлашмасида аёлларга атаб чиқарилаётган Ўзбоп кўйлаклари хариддорларга маъқул бўлади.

Бу кўйлаклар шойи, ип газлама, зигир толаси газлама-си, трикотаж полотноларидан тикилган.

Буюмларни замонавий қилиб безашда кўндаланг бичиқ, тўр-тўқима, кўкрак бурма, волан, модали, белбоғ ўринли ишлатилган.

«Сиз «Перспектива» магазинида ва ЦУМ, ГУМда ёз фаслига мос келадиган чиройли, модали кўйлакларни со-тиб олишингиз мум-кин.



Тошкент область икромия комитети нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси ишлари бошқармаси, Калинин райони «Ленин» газетаси ва босмахонаси коллективлари босмахона директори Ш. К. Гуломовга отаси, Ўзбекистон ССР-да хизмат кўрсатган маданият ходими Кошф Гуломович Гуломовнинг вафот этганини муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилди.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ЕН-ГИЛ САНОАТ МИ-НИСТРЕЛИГИ МАРКА-ЗИЙ ЛОИҲА КОНСТ-РУКТОРЛИК ТЕХНО-ЛОГИЯ БЮРОСИ.
«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ ВИР-ЛАШМАСИННИНГ ЎЗБЕК-ИСТОН РЕКЛАМА АГЕНТ-ЛИГИ (телефон 45-37-27).

Маданият хабарлари

ЁШЛАРИНИНГ ХАЛҚАРО СЕМИНАРИ

Тинч океани ҳавзасида ҳамкорлик қилиш пробле-маларига бағишлаб Находка шаҳрида ўтказилаётган ёш тадқиқотчиларнинг халқро семинарида областимиз ва-киллари ҳам қатнашди. Япо-ния ёшларининг 5-Дўстлик кемаси билан учрашадилар.

Бекобод шаҳрининг «Юность» бал рақслари ансамбли, Ўзбекистон ССР Давлат филармонияси «Лазги» ансамблининг солисти Муаззам Гафурова, «Шод-лик» ансамбли солисти Фар-ҳод Тўлаганов, Ўзбекистон ССР халқ артисти Рихси Иброҳимова, республика Ле-нин комсомол мунофоти-

нинг лауреати Теша Мўми-нов, артист Қаҳрамон Аб-дурахмоновлар ана шу учра-шулардаги концерт про-граммаларида иштирок эта-дилар.

Р. ИҶЛЧИЕВА.

ХАЛҚОБОДЛИКЛАР ҲУЗУРИДА

Ўзбек Давлат сатира те-атри коллективни халқобод-лик меҳнаткашлар ҳузурида бўлиб, «Гал» ағасини топа-ди» деб номланган 2 қисм-ли театрлаштирилган про-граммаларини намойиш қил-дилар. Программани Ўзе-бекистон ССРда хизмат кўр-сатган санъат арбоби, театр бош режиссёри Носир Ота-боев сахналаштирган.

Ижодий коллектив томо-нидан ижро этилган ҳар бир интермедия, ҳажвия, ҳикоя-лар кулги шинавандалари томонидан юқори баҳолан-ди. Айниқса, «Тобуддан то-

вуш», «Маклис», «Баджаҳл одам», «Қари кўёв» каби сатирик асарлардан сахна-лар томошабинларда яхши таассурот қолдирди.

С. КАБИРОВ.

«ГҶЗАЛ» САФАРИ

Олмалиқдаги металлур-лар маданият саройининг «Гўзал» вокал-воғлу ансамбли қатнашчилари ўз репертуарларини тобора бо-йитиб, ижодий сафарларда муваффақиятли қатнаша-япти. Ўтган йили улар Мон-голия Халқ Республикаси-нинг Олмалиқ шаҳри билан дўстлик алоқаларини боғла-ган Эрдэнэт шаҳри меҳнат-кашлари ҳузурида бўлган-дилар. Ҳозир эса ансамбль аъзолари мамлакатимиз-нинг кўпгина бошқа ҳавас-корлик коллективлари қа-торида Сахалинга жўнаб ке-тишди. Улар бу ерда ёшлар ижодий фестивалида ишти-роқ этадилар, шунингдек, ўзбекистонлик куриллиш отрядлари аъзолари ҳузури-да концерт қўйиб беради-лар.

О. ХУШНАЗАРОВ.

КОМСОМОЛЛАР ҲУШЁР

Тошкент экскаватор заво-дида комсомоллар биринчи бўлиб болг уришди. Улар иш кунининг ўртасида, та-наффудан сўнг пекларда ишра кайф қилишлар тайдо бўла бошлаганлигини пайка қилишди. Шунинг қизикли корхонада тушлик соат 12 дан соат 1 гача ўтади. Шун-дай бўлган, бу вақт ички-ликбозлар учун «бемаруд» ва бунинг устига терриго-ридан ҳеч ким қийиб кет-маган эди.

Командир Рамиз Қорақў-

зиев бошчилигидаги комсо-мол дружиначилари опера-тив отряднинг аъзолари мана шу серли ҳодисани текширишга қарор қилишди. Ёш дружиначилар алақан-дай туйнукдан корхонага ичкилик кираётганлигини аниқладилар. Шу туйнук, дарҳақиқат, ремонт қилина-ётган деворда бўлиб экска-ватор машинисти Федор Кучерявий ичкилик манбаи экан. У завод ёнида яшаб, бўш вақтида самогон тайёр-лаш билан шуғулланар экан.

Комсомоллар Кучерявийни цехда ошновларга самогон сотиб турган пайтида қўлга туширдилар.

Энди бу машинистнинг фаолияти билан милиция шуғулланипти, Ленин завод комсомоллари бу ишга нуқта қўйишга шойилмайти-лар. Энди улар самогон со-тувчининг «мижозлари» би-лач жиддий тарбиявий иш олиб борадилар.

(ЎЗТАГ мухбири).

ДОРВОЗЛАР

ПАРКЕНТ қишлоғилик машхур дорбоз — Болтабо-евлар Тошкент районидаги

Кўксарой қишлоғида уч кун мобайнида ўзларининг дор-бозлик ҳамда огир тошлар-ни кўтариш маҳоратларини намойиш қилдилар. Айниқса,

8 ёшли Лочинбек, 6 ёшли Саидбек Болтабоевларнинг чиқишлари томошабинларда катта таассурот қолдирди.

Г. ШЕРМАТОВА.

ФИЗКУЛЬТУРА ВА СПОРТ

«НОҒОЗДАГИНА ТУЗИЛГАН» МАҚОЛАСИНИ ЎҚИБ

Тошкент области бир пайтлар ўзининг машхур полковлари, кучли команди-си билан нафақат Ўзбекис-тонда, ҳатто Ўрта Осиё рес-публикалари ўртасида ҳам шуҳрат қозонган эди. Бу командада деярли барча районларнинг вакиллари қат-нашиб, миллий кураш му-сабақаларида юксак маҳор-рат кўрсатишарди. Энди-чи? Нега энди бундай полков-лар кўринмай қолди. Нима сабабдан миллий курашнинг довроти пайсий, спортнинг бу турига намроқ эътибор берилмаган бўлиб қолди.

Кўпчиликини қизитири-ётган ана шу саволга ўзим-ча жавоб излайман. Лекин бунга сабаб бўлиши мумкин бўлган бирорта объектив хо-латни аслай олайман. Ле-кин яқинда «Тошкент ҳақи-қати» газетасида област физкультура ва спорт коми-тети раисининг ўринбосари А. Шипилиннинг «Ноғоздаги-на тузилган» мақоласини ўқидиму, саволимга жавоб топгандай бўлдим. Шундан сўнг қўлимга қалам олдим.

Дарҳақиқат, яқинда ни-ҳоятга етган Тошкент об-ласть XX спартакиадаси районларда спортнинг аҳо-ли қандай эканлигини яқин қўрсатиб қўйди. Шуниси ачинарлики, спартакиаданинг миллий кураш туринирида 15 районнинг бор-йўри 3 та-сида вакиллари келишди, холос. Ҳўш, нима сабабли бошқа районлар спартакиа-дага ўз командаларини юбо-ришмади? Ўқтилол жойлар-да миллий кураш билан шу-ғулланувчи спортчилар йў-қидир, ёки улар шунчаки тур-

нирда иштирок этишни иста-мадиларми?

Курашчилар йўқ дегундек бўлса юқори ташкилотларга тайёрланган маълумотлар-да Бекобод ва Паркент рай-онларида 2 мингтадан кура-шчилар, Янгйўлда 800, Ка-линин районида эса 600 нафардан кўпроқ курашчи борлиги қайд этилган-ку! Менимча бу рақамларнинг ҳаммаси сохта бўлса керак. Акс ҳолда спартакиада тур-нирида курашчилар кутл-гандан ҳам кўпроқ қатнаш-

Кейинги йилларда район спорт комитетлари, қишлоқ кўнгилли спорт жамиятла-ри, қолаверса, област спорт комитетидаги ўртоқлар ҳам бу масалага намроқ эъти-бор бераётганга ўхшайдилар. Шунинг натижасида яқин-яқинларгача ўз вази кате-горияларида республика-нинг кучли полковлари деб юритилган пискентлик Т. Беков, М. Аҳромов, Ш. Тур-сунов, Р. Икромовлар ку-рашмай қўйдилар. Наҳотки, жойлардаги физкультура ва

шидов, «Пахтакор» район Советининг раиси Мурод Содиновлар эса аҳволни ях-шилаш ҳақида чуқур қай-гурмайлдилар.

«Пахтакор» қишлоқ кўн-гилли спорт жамияти район Советининг раисидан мил-лий курашчилар сон қанча эканлигини сўрадик. У ҳеч ўйламай улар бир неча юз кишидан иборат эканлигини айтди. Шундан сўнг Оржо-никидзе номи, Куйбишев номи қолхозлар ва «На-зарбек», «Иваново» совхоз-ларида бўлдим. Лекин мил-лий кураш билан шуғулла-нувчи бирорта спортчини уч-ратиб бўлмадим. Ана шундан кейин барча рақамлар сохта эканлигига ишонч ҳосил қил-дим.

Бу аҳвол фақат Калинин районини гачина хос деб бўл-майди. Акс ҳолда област спартакиадасида барча рай-онларнинг командалари бирдек иштирок этган бў-лар эдилар.

Тўғриват ОДИЛОВ, Ўзбекистон ССРда хиз-мат кўрсатган тренер, Ўзбекистон ССР мил-лий кураш федерация-сининг раиси.

Ушбу мақола босмага тай-ёрланаётган пайтда Анди-жон областидан қуйидаги хабарни олдик: «Қўроқте-пада миллий кураш бўйича Ўзбекистон физкультура-чиси» «Физкультурник Узбекистана» газетаси сов-рини учун республика че-мпionatoи ғолибига етди. Чемпионатда Тошкент об-ласт командаси иштирок этмади».

ҳисобида ўзбекистон футбол-чилари фойдасига ҳал бўлди. Республикамиз терма коман-да аъзолари 3 очко тўплаб, ўз гуруҳларида пешқадамлик қилишмоқда.

ШАХМАТЧИЛАР БАҲСИ

СССР халқлари IX ёғи спартакиадаси программаси асосида Минск шаҳрида ўт-казилган шахмат бўйича му-сабақалар натижасига етди. Мазкур мусабақаларда рес-публикамиз терма командаси аёллари бешинчи, эркеклар эса 11-ўринни эгаллашди.

СУЗИШ ЯУЛКАЛАРИДА Фаргона шаҳрида болалар спорт мактабларини ўртасида сузиш бўйича республика му-сабақалари бўлиб ўтди. Унда 134 киши иштирок этди. Му-сабақаларда 2444 очко жа-мгарган АСК (Тошкент) аъ-золари ғолиб чиққиди.

«Ехнат» ҳамда «Спарте» жамиятлари 2, 3-ўринларни эгаллашди.

Редактор Н. НАСИМОВ.

Квартет кўрик ғолиби

Ўзбекистон Давлат фи-лармонияси торли квартети-нинг концерт программаси кейинги йилларда янги но-мерлар билан бойиди. Ис-теъдодли ёш санъаткорлар-дан ташкил топган бу кол-лектив классик ва замона-вий асарларни тайёрлаб, му-зика шинавандалари эътибо-рини ўзига жалб этмоқда.

Квартет сўнгги йилларда тайёрлаган концертлари билан ёш ижодкорлардан иборат концерт ташкилотла-ри ва бадий коллективлар Бутуниттифоқ кўригида ак-

тив қатнашди. Моҳир со-зандалар икки йил давом этган бу ижодий имтиҳон-дан муваффақиятли ўтди-лар.

Юксак ижрозчилик маҳор-ати учун торли квартет уш-бу кўрикда ғолиб қийиб, СССР Маданият министрли-ги, ВЛКСМ Марказий Коми-тетини ва маданият ходим-лари касаба союзлари Мар-казий Комитетининг бирин-чи даражали дипломи билан тақдирланди.

С. ОДИЛОВА.

ШИЙПОНДА СУХБАТ

Коммунистик районидagi «Политотдел» колхозида ом-амавий-сиёсий, агитацион-про-паганда ишлари шу кеча-кундузда тобора қизитил-моқда. Лекторлар, агитатор ва пропагандистлар бевоси-та дала шийпонларида — меҳнаткашлар ҳузурида бў-либ, уларга партия ва ҳуку-матимиз қарорлари, давлати-мизнинг ички ва ташқи си-ёсати, халқро аҳвол ҳақида сўзлаб бермоқдалар.

Яқинда қолхонинг «III интернационал» участкаси Қовардон маҳалласи ва 21-бригадаси дала шийпонида

ана шундай қизиқарли су-хбатлар бўлиб ўтди. Улар ян-мавий-сиёсий, агитацион-про-паганда ишлари шу кеча-кундузда тобора қизитил-моқда. Лекторлар, агитатор ва пропагандистлар бевоси-та дала шийпонларида — меҳнаткашлар ҳузурида бў-либ, уларга партия ва ҳуку-матимиз қарорлари, давлати-мизнинг ички ва ташқи си-ёсати, халқро аҳвол ҳақида сўзлаб бермоқдалар.

Ш. ЮСУПОВА.

ҚАҲРАМОНЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Пойтахтимизда жойлаш-ган «Огонёк» пионер лаге-рида ўқувчиларнинг дам олишлари учун барча ша-ронлар муҳайё. Бу ерда спорт турлари бўйича му-сабақалар, съезд делегатлари, Улуғ Ватан уруши ҳамда меҳнат ветеранлари билан учрашувлар ўтказиб турила-ди.

Яқинда лагерда Акмал Икромов районидagi Усмон Юсупов номи маданият уйининг «Жанговар дугона-лар» клуби аъзолари ҳамда Совет Иттифоқи Қаҳрамон-лари билан учрашув бўлиб

ўтди. Учрашувда қаҳрамон-лардан П. Н. Киселев, П. Ф. Шевелев, А. Эшон-қулов, Қаҳрамон ана С. Со-диқовалар дам олувчиларга ана шу суронли йилларда совет халқининг кўрсатган мислиси қаҳрамонликлари ҳақида ҳикоя қилиб берди-лар. Шундан сўнг Усмон Юсупов номи маданият уйининг «Импульс» вокал-чолу ансамбли коллективни меҳмонларга атаб тайёрла-ган концерт программасини намойиш этди.

А. ҲАКИМОВ.

ПОЛВОНЛАРИМИЗ МУВАФФАҚИЯТИ


Германия Федератив рес-публикасининг Шинф-ершат шаҳрида эркин ҳамда классик кураш бўйича ёшлар ўртасида ўтказилган жаҳон биринчилиги мусабақалари якунланди. Эркин кураш бў-йича ўтказилган мусабақалар-да тошкентлик Искандер Юсупов муваффақиятли иштирок этиб, ўз вази категориясида ғолиб қийди. Классик кураш

ПЕШҚАДАМЛИК ҚИЛИШМОҚДА

Запоронье шаҳрида СССР халқлари IX ёғи спартакиа-даси программаси асосида ўт-казилаётган футбол бўйича ярим финал мусабақаларда республикамиз терма коман-даси яхши қатнашмоқда. Ку-ни кеча Латвия терма коман-даси билан бўлган ўйин 6:0

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
/«Ташкентская правда»/
ОРГАН ТАШКЕНТСКОГО ОБКОМА КОММУНИСТИЧЕСКОЙ ПАРТИИ ЎЗ-БЕКИСТАНА И ОБЛАСТНОГО СОВЕ-ТА НАРОДНЫХ ДЕПУТАТОВ

БИЗНИНГ АДРЕС:
700047, ТОШКЕНТ
ЛЕНИНГРАД
КҶЧАСИ, 32



Редактор ўринбосарлари — 335885, 325747, 337916, 325748, маъсул секретарь — 334808, 325353; секрета-рият — 325750, БҶЛИМЛАР: хатлар ва оммавий ишлар — 334048, 325354; партия турмуши — 325778; саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 325556; қишлоқ хўжалиги — 325647; пропаганда — 337010, 325749; совет қурилиши — 325733; маданият — 325767; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 325645; тунги нав-батчи — 325553; эълонлар бўлими — 325727.

